28 495

*Илм – ўзни билмакдир*

# МАЪРИФАТ

MA'RIFAT

معرفت

*Халқ зиёлилари газетаси* | **1931 йилдан чиқа бошлаган** | **1995 йил 26 апрель, чоршанба** | Баҳоси сотувда эркин нархда. 17 (6663)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ВА МАМЛАКАТ ИЧКАРИСИДА ИШЛАГАН МЕҲНАТКАШЛАРНИ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1941—1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан:

1. Фашизмга қарши фронтлардаги жанговар ҳаракатларда иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ихтиёрий ёлланган шахслар, партизанлар, яширин иш олиб борган кишилар, уруш даврида Қуролли кучларда хизмат қилган ҳарбий хизматчилар ва ихтиёрий ёлланган шахслар, «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Япония устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан тақдирланган шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ва 1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майгача ўтган даврда халқ хўжалигида камида олти ой ишлаган, «1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган, «Қамалдаги Ленинградда яшаган кишига» нишони бўлган шахслар, Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар ва уларнинг иттифоқчилари томонидан тузилган қамоқ лагерларида, гетто ва бошқа қамоқларида сақланган балоғатга етмаган собиқ тутқинлар «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали билан мукофотлансин.

2. Бир йўла бериладиган қуйидаги пул мукофотлари белгилансин:

уруш ногиронлари ва қатнашчиларига, шунингдек байналмилал жангчилардан бўлган ногиронларга — энг оз иш ҳақининг уч баравари миқдорида;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига — энг оз иш ҳақининг икки баравари миқдорида;

ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган 1941—1945 йилларда мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларга — энг оз иш ҳақининг икки баравари миқдорида.

3. Мазкур Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Алоқа вазирлиги мукофотларни тўлаш тартибини бир ҳафта муддат ичида белгилаб қўйсинлар.

5. «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофоти Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятларнинг, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан маҳаллий ҳарбий бошқармаларнинг, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг вакиллари иштирокида тантанали вазиятда топширилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 20 апрель.

*Ғалабанинг 50 йиллигига*



Шу кунларда жойларда уруш қатнашчилари билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Айниқса, мактаблардаги бундай тадбирлар ўқувчиларда ватанпарварлик, мардлик ҳис-туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Яқинда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 22-мактабда. «Ниҳол» маҳалласи уруш фахрийлари билан бўлган учрашув ҳам сермазмун ўтди.

Суратда: фахрийлар (ўнгдан) Карим Тешабоев, Ғайфи Мардонов, Йўлдош Саидов.

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

## УРУШ ОРТИДАГИ ЁШЛАР

Рихситилла ҲУСАНОВ,
Меҳнат Қаҳрамони, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи

1941—45-йиллар мусибатини унутиб бўлмайди. Душманга қарши бутун халқ отланганини, болалару кексалар далаларда, завод-фабрикаларда фидокорона меҳнат қилишгани ҳақида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳаяжон билан ҳикоя қилишади. Бутун умрини ишчи ва бинокорлар тайёрлашга бахшида этган меҳнат фахрийси, Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Рихситилла Ҳусанов хотираларини мухбиримизга ҳикоя қилиб берди:

— Отам Тошкент трамвай деposида слесар бўлиб ишлардилар. Мен саккиз яшар чоғимдаёқ ишхоналарига бориб қилаётган ишларига соатлаб маҳлиё бўлиб ўтирардим. Ёшликда берган кўнгил деганларидек, бу иштиёқ мени Бауман номидаги ФЗУ мактабига бошлаб келди. 1939 йилда пойтахтимиздаги Ильич номли заводда иш бошладим. Айни пайтда Тошкент педагогика институтининг бир йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқиб, 1940 йилда уни битирдим. Йўлланма билан Хоразм вилояти Гурлан туманидаги тўлиқсиз ўрта мактабда тарих-география ўқитувчиси бўлиб ишладим.

Бир йил бирга ишлаган, отадек қадрдон бўлиб қолган мактаб раҳбари — устоз Қурбонбой Жуманиёзов, ҳамкасб ўқитувчилардан Собиржон Оллоберганов, Раимбой Эгамовлар билан уйимизга Ашхобод — Тошкент поездида келаётганимизда Самарқанд станциясида уруш бошлангани ҳақидаги мудҳиш хабарни эшитдик...

Уйга қайтганимдан кейин зудлик билан Киров район ҳарбий комиссариатига бориб, ҳисобга ўтдим. Кўп ўтмай чақириқ қоғози

**(Давоми 4-бетда).**

## ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАМДЎСТЛИККА АЪЗО БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР ХАЛҚЛАРИ ВА ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИГА

# МУРОЖААТ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари бошлиқлари фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан ўз мамлакатлари халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қиладилар.

1945 йилнинг 9 майи инсоният тарихида XX асрнинг энг унутилмас ва энг муҳим санаси сифатида: эзгулик ва озодлик тантана қилган кун, халқлар фашизм қуллиги хавфидан батамом қутилган кун сифатида қолади.

Совет Армиясининг, партизанлар ва яширинча кураш олиб борганларнинг қаҳрамонлиги, кишиларимизнинг фронт ортидаги фидокорона меҳнати, халқларимизнинг мислсиз мардлиги, матонати ва қардошлиги мана шу Буюк Ғалабага олиб келган муҳим омиллардир.

Фашизм билан курашга иттифоқчиларнинг қўшинлари, антифашистик ҳаракатлар, гитлеризмга қарши иттифоқдаги барча мамлакатлар халқларининг саъй-ҳаракати ҳам муҳим ҳисса қўшди.

Ғалаба коллектив ақл-идрок, озодлик ва инсон қадр-қиммати учун курашган ва уни ҳимоя қилган халқлар ва одамларнинг фидокорлиги ва алоҳида қаҳрамонлиги бутун дунё халқларининг ўлим хавфи олдида бирлаша олиш қобилиятининг ёрқин намойиши бўлди.

Ғалаба халқаро хавфсизликни таъминлаш ва янги жаҳон урушининг олдини олиш ишида жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг ҳамкорлик қилиш имконияти борлиги ва шундай қилиш зарурлигини кўрсатди.

Биз тинчлик, озодлик ва демократия йўлида улкан қурбонлар берилганини ҳеч қачон унутмаймиз. Биз ўз ватандошларимиз номидан Ҳамдўстликка аъзо бўлган давлатлар халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилиб, уларни ҳалок бўлганлар хотирасини эъзозлаш, уруш қурбонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликларни асрабавайлаш ва ҳозирда барҳаёт ғалаба ижодкорларига иззат-икром кўрсатишга даъват этамиз.

Умумий тинчликни мустаҳкамлашга интилар эканмиз, биз, халқларимизнинг тинчлик ва фаровонлик йўлида Ҳамдўстлик доирасида ҳам, барча мамлакатлар билан ҳам ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга эришишга бўлган қатъий иродасини тантанали равишда тасдиқлаймиз.

Биз барчани сайёрамиздаги тинч ҳаётга бўлган янги хавфларга қарши курашда, ҳозирда мавжуд зиддиятларни бартараф этиш ва пайдо бўлиши эҳтимоли бор янги зиддиятларнинг олдини олишда саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришга даъват қиламиз. Янги кулфатлар, вайронгарчиликлар ва қон тўкилиши хавфи беркиниб ётган бу зиддиятларнинг фожиали тарзда ривожланиши эзгулик ва тараққиёт идеалларига зид бўлиб тушади.

Биз Буюк Ғалаба қурбонлари ва барҳаёт қаҳрамонлари олдидаги муқаддас бурчимизни идрок этган ҳолда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган барча давлатларнинг халқлари ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилиб, уларни келажак авлодларни янги урушлар даҳшатлари ва кулфатларидан халос қилиш учун барча куч ва иродани бирлаштиришга даъват этамиз!

## БОҒИМИЗ — ЧИРОЙИМИЗ

Бу хайрли ишга ўтган йили киришилган эди. Ёш боғбонлар слёти иштирокчилари «Юртимизни боғу бўстонга айлантирамиз!» шиори остида мурожаатнома қабул қилишганди. Мурожаат матни маҳаллий матбуотда эълон қилинди ва кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Унда ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчи 100 тадан ҳар хил кўчат экиб, парваришлашга аҳд қилганликлари алоҳида қайд қилинган эди. Табиийки, сиз слётдан сўнг ишлар қандай олиб борилганлиги билан қизиқсангиз керак.

Деҳқончилик қилиш учун биринчи навбатда ер керак. Бусиз айтилган барча гаплар беҳуда. Айни пайтда вилоятдаги умумтаълим мактаблари ихтиёрида 217 гектар унумдор ер бор. Ана шу ер майдонларининг салмоқли қисмида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилмоқда. Ҳозир мактабларнинг томорқаларида 23 туп қарағай, 13 минг туп терак, 14 минг туп ўрик, 19 минг туп узум, 1300 туп писта, 30,5 минг туп гул ва бошқа хилдаги кўчатлар авж билан ўсаяпти. Вилоят халқ таълими бошқармасидаги кайвониларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бу кўчатлар эрта кўкламда сотилиб, 2 миллион сўмга яқин даромад қилиниш кўзда тутилган.

— Биз ҳам ердан унумли фойдаланишни ўрганяпмиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ҳожимурод Чориев, — кузда 154 гектар майдонга ғалла экилди. Насиб бўлса, ҳосилдан бўшаган 63 гектар ерга қовун-тарвуз, ошқовоқ, бошқа ҳар хил экинлар экишни ният қилиб қўйганмиз. Деҳқончилик, боғбонлик илмига қизиқаётганларнинг сафи кундан-кунга кўпайиб бораётганлиги ҳам бизни ниҳоятда қувонтиради. Денов, Шўрчи, Узун, Ангор туманларидаги умумтаълим мактаблари ўзларига тегишли ер майдонларидан унумли фойдаланишмоқда.

Дарҳақиқат, «Ерни боқсанг боғ бўлур, ботмон даҳсар ёғ бўлур» деганларидек, кимки яхши ният билан уруғ қадаган бўлса, иншоолло, ноумид қолмас. Ҳожимурод ака Чориевнинг эътироф этишича, 1995 йилда кўчат, дон, полиз, сабзавот маҳсулотларидан жами 12 миллион 792 минг сўм соф даромад олиш кўзда тутилмоқда.

Вилоят халқ таълими бошқармасидаги ишбилармонлар фойда келадиган йўлларни излаб топмоқдалар. Айни пайтда тизимда 11 та кичик корхона ишлаб турибди. Ўтган йили 120 тонна пиёзга мол айирбош қилинди. Чунончи, 1400 дона стол-стул, 44 минг квадрат метр ҳар хил фанерь, 30 тонна қувур ва бошқа металл олиб келинди.

Сурхондарёлик ёш боғбонлар-у, ишбилармонлар ана шундай эзгу ният йўлида иш олиб боришмоқда.

**Маҳмуд АБДУЛФАЙЗ, Сурхондарё вилояти.**

*Соғлом авлод учун*

## КУН ТАРТИБИДА САЛОМАТЛИК

Яқинда жисмоний тарбия институтида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, республика Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташаббуси билан «Жисмоний тарбия, спорт ва маънавият» мавзуидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Уни «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раиси, академик Эркин Юсупов бошқарди.

Анжуманда республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг раиси С. Рўзиев, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи муовини Қ. Аллаев, халқ таълими вазирининг ўринбосари Ҳ. Маъсудов, Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси қарамоғидаги Ислом тадқиқот маркази раисининг ўринбосари А. Мансуров «Ёшларни элим деб, юртим деб ёниб яшаш»га ўргатишда жисмоний тарбия ва спортнинг асосий вазифалари», «Саломатликнинг тиббий аспектлари», «Ўқув юртларида жисмоний тарбия ва маънавий тарбияни мужассамлаштириш ҳақида», «Жисмоний тарбияда баркамоллик», «Исломда соғлом авлод тарбияси» мавзуларида маъруза қилишди.

Ялпи мажлисларда ҳамда еттита секция иши жараёнида бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини соғломлаштиришнинг самарали усулларини қидириб топиш, ёшларни болаликданоқ жисмоний тарбия ва спортга қизиқтириш каби долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Шунингдек, экологик вазиятнинг тиббий шароитга таъсири, аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришда фаннинг тутган ўрни сингари муаммолар ҳам кўриб чиқилди.

Илмий-амалий конференция ишида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**Мухбиримиз.**

*Йил ўқитувчиси кўрик-танлови*

## ДАЪВОГАРЛАР КЎП ЭДИ...

Биринчи ўрин кимга насиб қиларкин? Бунга эса «Ўқитувчи-95» кўрик-танлови туман босқичида қатнашаётганларнинг барчаси даъвогар. Улар етти нафар, Чилонзор туманига қарашли турли мактабларнинг ўқитувчилари.

Муқимий номидаги музикали драма театрининг муҳташам зали маорифчилар, ишқибозларга тўлди. Танловга ижодкор, хушрўй, оқила, тадбиркор, пазанда, қўйингки, кўп жиҳатдан маъқул деб топилган муаллималар иштирок этишди. Туман халқ таълими бўлими методика хонаси томонидан ишлаб чиқилган бешта шарт ўқитувчиларнинг зукколигини, зийраклигини, яратувчанлигини, дарс жараёнига қандай ёндашувини кўрсатди. Ўқитувчининг маҳорати, санъаткорлигини кўрсатиб турувчи ранг-баранг кўринишлар ҳам ана шу шартлар асосида тайёрлангани билан характерланди. Бу борада иштирокчиларга ўз ўқувчилари ёрдам бериб туришди. Улар ижросида мазмундор байтлар, дилрабо қўшиқлар, мафтункор рақслар намойиш этилди.

173-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Ирода Муталхўжаева энг юқори балл тўплагани маълум бўлгач, олқишлар ёғилиб кетди. Айтганча, унинг танлов олдидан туман халқ таълими бўлимига топширган ижодий иши ҳам юқори баҳоланган эди.

114-мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси Ёқутхон Файзиеванинг танлов шартларини чаққонлик ва ақлу заковат билан бажариши унинг иккинчи ўринни эгаллашига замин яратди.

Энг ёш иштирокчи — Зилола Зокирова (4-интернат тарбиячиси) ҳам ўзининг мақтаса арзигулик услубини кўрсата олди.

Хуллас, кўрик-танловнинг шакли ҳам, мазмуни ҳам ўқитувчига хос хислатларни очишга хизмат қилди.

«Ўқитувчи -95» кўрик-танлови туман босқичининг якунловчи йиғилишида туман халқ таълими бўлимининг мудири Абдумалик Абдуалимов сўз олиб, ғолибларни чин дилдан қутлади. Чилонзор тумани халқ таълими бўлимининг ғолибларга бир ойлик маош миқдорида мукофот пули ажратиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Шунингдек, уларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Ҳ. ТУЙМАНОВА.**

*Мададталаб мактублар*

## «ЎҚИТУВЧИМИЗНИ ҚАЙТАРИШГА ЁРДАМ БЕРИНГ!»

Ҳурматли муҳарририят!

Ҳозирги кунда қонуннинг устиворлиги, келажак авлод тарбиясига алоҳида эътибор ҳақида қайта-қайта гапирилмоқда. Кундалик турмушда эса...

Бизнинг синфимиз 1992-93 йилда она тили ва адабиёти фанидан махсус синф сифатида Худойберган Қурбонов томонидан очилди. Барча ўқувчилар ўқитувчимиз томонидан танлаб олинди. Биз у кишининг қўлида икки йил ўқидик. Шу икки йил бизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Аввалига ўқитувчимизнинг қаттиққўллиги туфайли, яъни ҳар бир дарсни чуқур сўраши, қаттиқ интизом ўрнатгани, дарсдан кейин ҳам соатлаб биз билан қайта-қайта ишлаши боис ёмон кўриб қолдик. Кейинчалик ўзимиз ҳам шу даражада дарсларга қизиқиб кетдикки, мактабни ўқитувчимизсиз тасаввур қила олмайдиган бўлдик.

Биз шу икки йил давомида ўзбек тилининг «Фонетика», «Морфология» қисмларини ўргандик. Қайта-қайта такрорлашлар, савол-жавоблар натижасида бу бўлимдаги ҳар бир тема, ҳар бир таҳлилни осон ўзлаштирадиган бўлдик. Тарихдан эса Сомонийлар сулоласигача бўлган даврни ўрганиб чиқдик. «Эски ўзбек ёзуви»дан ҳозир эски қўл китобларини бемалол ўқий оламиз. Адабиётдан шунчалик кўп шеър ёд олдикки, бир умр ҳам энди шунча шеър ёдламасак керак. Жуда кўп бадиий китобларни ўқидик. Оқибатда, мураккаб ғазалларнинг мазмунини чақадиган, баҳслашадиган, ҳатто ўқитувчимиз билан тортишадиган бўлдик. Синф хонасида, эски ёзувда Навоий шеъриятидан парчалар ёзилган лавҳаларнинг, юздан ортиқ тувакларда ўстирилган гулларнинг ичида худди Эрам боғида юргандек эдик. Синфимизнинг ёрдамчи хонаси ҳам мавжуд бўлиб, бу ерда ўз кутубхонамизни ташкил қилаётгандик. Эндиликда буларнинг ҳаммаси — туш!

Қисқаси, ўтган ўқув йилининг ўрталарида мактабга янги директор тайинланди. Янги директор билан ўқитувчимиз қайсидир масалада келишолмай юрганини бултур эшитдик. Сентябрь ойининг бошларида аввалига соғлиғини йўқотиб касалхонада ётдилар. Кейин ишга чиқдилар. Бу вақтда пахта йиғим-теримида эдик. Ўқитувчимиз бизни ўқитиш учун кўп жойларга елиб-югурди. Лекин, бирдан йўқ бўлиб кетди. Биз унинг ишга чиқишини беш ой кутдик. Кейин эса, ишдан бўшаб кетганини эшитдиг-у, директорни биз билан учрашув ўтказишга чақирдик. Тўрт-беш марта талаб қилсак ҳам директор биз билан учрашмади. Кейин «Агар учрашув ўтказмасангиз, юқори органларга шикоят қиламиз», — деб ариза ёздик. Шундан сўнггина учрашув бўлиб ўтди. Бироқ директор: «Ариза ёзиб бўшаган ходимни сизлар билан учраштира олмайман», — деган жавоб билан қутулди.

Ўқитувчимиз бизни ташлаб ишдан бўшаб кетганига ишонгимиз келмайди. Уни ўзлари ниманидир баҳона қилиб ишдан бўшатишган ёки ариза ёзишга мажбур қилишган. Бошқа ўқитувчилардан эшитишимизга қараганда, у киши директор устидан арз қилиб ҳокимиятга борган, кейин бу иш прокуратурага ўтган. У ердагилар аризани эмас, ўқитувчимизни текширишган. Биз ўқитувчимизни ўзимизнинг маънавий отамиз, деб биламиз. Нима бўлганда ҳам, унинг тақдири бизни қизиқтиради. Биз учун ўзимизнинг ўқитувчимиз яхши.

Ҳозир ўқишимизнинг мазаси йўқ. Дарсларнинг анча қисми ўтилмай қолаяпти ё чала ўтилаяпти. Кун сайин ўқишда олдинга эмас, орқага кетаётгандаймиз.

Ҳурматли муҳарририят, Сиздан ўтиниб сўраймиз. Ўқитувчимизни қайтаришга ёрдам беринг, деб

**8-«Е» СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ (16 ўқувчи)**
**Дружба шаҳри, Ж. Мангуберди номидаги 4-ўрта мактаб.**

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз ўқувчиларнинг ушбу куюнчаклик билан битилган мактубини тўғридан-тўғри чоп этаяпмиз. Бу баҳсда ҳакамлик қилмоқчи эмасмиз. Мактубда кўтарилган муаммоларни янада чуқурроқ ўрганиш ниятимиз ҳам бор. Бизга маъқул томони — яхши ўқитувчига муносабат, уни авайлаш, асраш масаласидир. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидай: «Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади». Бу мактуб ҳам болаларимиздаги юртбошимиз айтган ҳақсеварликнинг намоёнидир. Албатта, улардаги бу нозик куртакни: «Нега шикоят қилдинг?» — деган дағдаға билан синдириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Болалар кўз ўнгида содир бўлган адолатсизлик уларнинг кўнглини бир умрга вайрон қилади, зеро улардаги ростгўйлик тушунчаси энди шаклланаётган бўлади. Мактубда ўқитувчининг дарсга муносабати, дарсликлар янгича, умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан энди-энди ёзилаётган пайтда муаллим кўпроқ ўз устида ишлаши лозимлиги ҳақида ҳам ёзилади. Бу муаммолар келажагимиз учун куюнадиган ҳар бир инсонни ўйлантириши керак. Муаммодан қўл силтаб ё кўз юмиб қутулиб бўлмайди.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## 1995 ЙИЛ 6 МАЙ ШАНБА КУНИНИ 8 МАЙ ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларнинг дам олишлари учун қулай шароит яратиш ва иш вақтидан унумли фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1995 йил 6 май шанба дам олиш куни душанба — 8 майга кўчирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 19 апрель.

# Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест савол-жавоблари

# ТАРИХ

**(Давоми. Боши газетамизнинг 12 апрель сонида)**

1. Ибтидоий одамлар муз даври шароитига қандай қилиб мослашганлар?
A) Совуқ иқлимли вилоятлардан жанубга чекинганлар.
B) Оловдан фойдаланганлар, бинокорликни кашф этганлар, овчиликни ривожлантирганлар.
C) Ғорларда жойлашганлар, оловни кашф этганлар, ибтидоий хўжаликни ривожлантирганлар.
D) Ғорларда жойлашганлар, теримчилик билан шуғулланиб, озиқ-овқатни кўпайтирганлар.
E) Йирик ҳайвонларни ов қилиб, табиий ёнғинлардан фойдаланганлар ва ўрмонзорларда ўз маконларига асос солганлар.

2. Сурхондарёдаги Зараутсойдан топилган суратларда...
A) мамонтлар ва ёввойи ҳукиз суратлари тасвирланган.
B) мамонтлар, ёввойи ҳукиз ва ибтидоий одамларнинг суратлари тасвирланган.
C) саклар ва форслар ўртасидаги жанг манзараси тасвирланган.
D) ёввойи ҳукиз суратлари ва ов манзараси акс эттирилган.
E) муқаддас оловнинг алангаси тасвирланган.

3. Узбекистонда деҳқончилик қайси даврда вужудга келган?
A) Темир даврида.
B) Мистош даврида.
C) Бронза даврида.
D) Неолит даврида.
E) Урта асрларда.

4. Қайси подшо қўшинларини Широқ ҳийла билан саҳро ичига олиб киради?
A) Кир II.
B) Кумбиз.
C) Доро I.
D) Ксеркс.
E) Доро III.

5. Македониялик Искандарга (Зулқарнайн) қарши қўзғолон Урта Осиёда қайси вилоятлар билан боғлиқ бўлган?
A) Марғиёна ва Суғдиёна.
B) Парфия ва Бақтрия.
C) Суғдиёна ва Хоразм.
D) Уструшона ва Шош.
E) Суғдиёна ва Бақтрия.

6. Урта Осиёда Салавкийлар давлатидан қайси вилоятлар ажралиб чиққан?
A) Бақтрия ва Хоразм.
B) Бақтрия ва Парфия.
C) Парфия ва Хоразм.
D) Хоразм ва Марғиёна.
E) Суғдиёна ва Шош.

7. Қадимги Фарғона хитойликларни нимаси билан кўпроқ ҳайратга солган?
A) Табиий бойликлари билан.
B) Самовий отлари билан.
C) Қаҳрамон жангчилари билан.
D) Ривожланган ҳунармандчилиги билан.
E) Гузал аёллари билан.

8. Кушонлар давлатида расмий дин қайси дин эди?
A) Оташпарастлик (зардуштийлик).
B) Насронийлик.
C) Буддавийлик.
D) Ислом.
E) Маздакийлик.

9. «Буюк ипак йўли» Урта Осиё халқлари ҳаётига қандай таъсир кўрсатди?
A) Чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.
B) Савдо-сотиқ, иқтисодий ва сиёсий, халқаро ва дипломатик муносабатларнинг ривожланишида катта роль ўйнади.
C) Энг қадимги давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида туртки бўлди.
D) Ички зиддиятлар янада кучайиб, мустақил вилоятлар пайдо бўлди.
E) Маҳаллий аҳоли четдан келган элатлар билан этник жиҳатдан аралашиб кетди.

10. Қайси даврдан кейин илк ўрта асрлар бошланади?
A) Темир даври.
B) Антик даври.
C) Бронза даври.
D) Тош даври.
E) Феодал даври.

11. Обрўй бошчилигидаги қашшоқ аҳоли қаерда қўзғолон кўтарди?
A) Самарқандда.
B) Фарғонада.
C) Шошда.
D) Уструшонада.
E) Бухорода.

12. «Турк» сўзининг маъноси нима?
A) Кучли, бақувват.
B) Чиройли, гўзал.
C) Меҳнаткаш, ишчан.
D) Ботир, қўрқмас.
E) Чавандоз, отчопар.

13. Маздак бошчилигидаги қўзғолоннинг асосий сабаби нима эди?
A) Кўчманчи қабилаларнинг тинимсиз ҳужумлари ва талон-тарож қилганликлари туфайли.
B) Феодал ер эгалигининг пайдо бўлиши ва жабр-зулмнинг янада кучайиши.
C) Эфталитларнинг деҳқончилик ва чорвадор аҳолига бўлган муносабатининг кескинлашуви.
D) Эфталитларга қарши курашиш зарурияти.
E) Эфталит ҳукмдорлари томонидан олиб борилган нотўғри сиёсат.

14. Муқанна тарафдорлари билан араб қўшинлари ўртасидаги дастлабки катта жанг қаерда бўлди?
A) Бағдодга чегарадош ерларда.
B) Самарқанд ва Шош оралиғида.
C) Бухоро атрофларида.
D) Кешдаги Санам қалъасида.
E) Фарғона водийсида.

15. Қорахонийлар Бухорони қачон забт этдилар?
A) 1010 йилда.
B) 992 йилда.
C) 813 йилда.
D) 716 йилда.
E) 720 йилда.

16. Бухоро атрофидаги Афшона қишлоғида туғилган машҳур олим ким?
A) Форобий.
B) Беруний.
C) Ибн Сино.
D) Али Қушчи.
E) Улуғбек.

17. 1218 йилда Чингизхон Хоразмшоҳ ҳузурига юборган элчилар карвони қайси шаҳарда талон-тарож қилинди?
A) Шошда.
B) Самарқандда.
C) Ўтрорда.
D) Кешда.
E) Урганчда.

18. Улуғбек ҳукмронлиги даврида кўпроқ нималарга эътибор қаратди?
A) Кўчманчилар устига ҳужум қилиб улар ерларини босиб олишга.
B) Хуросон ҳукмдори Шоҳрух билан яхши муносабатлар ўрнатишга.
C) Илм-фан ва маданий ҳаётни ривожлантириб, мамлакатни ободонлаштиришга.
D) Ҳарбий қўшинлар тўплаб мамлакат қудратини тиклашга.
E) Дин арбобларига эътибор бериб исломни кучайтиришга.

19. Нима учун араблар Мовароуннаҳрнинг маҳаллий зодагонлар вакилларини ҳокимият тепасига кўтардилар?
A) Мовароуннаҳр Араб халифалиги марказидан узоқда жойлашганлиги учун.
B) Урта Осиё халқларининг тўхтовсиз олиб борган кураши Араб халифалигини ҳолдан тойдиргани учун.
C) Араблар бошқа давлатларга ҳарбий ҳужумлар қилиб Мовароуннаҳрга кам эътибор қаратганлари учун.
D) Маҳаллий зодагонлар орасида иқтидорли зодагонлар пайдо бўлганлиги учун.
E) Араб халифалиги саройида давлат тўнтариши бўлиб, халифа ҳокимиятни бошқара олмай қолганлиги учун.

20. Сомонийлар даврида марказий бошқарув идораси нима деб аталарди?
A) Вақф.
B) Девон.
C) Султоний.
D) Халифалик.
E) Жузъё.

21. Урта Осиёнинг XI-XII асрлар энг йирик шаҳарлари...
A) Тошкент, Термиз, Бухоро.
B) Самарқанд, Хива, Ахсикент.
C) Самарқанд, Марв, Бухоро.
D) Марв, Қарши, Бухоро.
E) Самарқанд, Бухоро, Хўжанд.

22. XI асрнинг охирларида Қорахонийлар қайси давлатга тобе бўлиб қолдилар?
A) Сомонийларга.
B) Қорахитойларга.
C) Салжуқийларга.
D) Тоҳирийларга.
E) Ғазнавийларга.

23. XII асрда Хоразмшоҳларнинг қайси ҳудуд ва давлатлар билан савдо алоқалари ўсди?
A) Енисей қирғизлари ва Хитой билан.
B) Олтой ва Еттисув билан.
C) Болтиқ бўйи ва Кавказ орти билан.
D) Волга бўйи ва Киев Руси билан.
E) Ҳиндистон ва Тибет билан.

24. Шайбонийлар давлати парчаланганда уни қайси ҳукмдор қайта тиклади?
A) Абулфайзхон.
B) Абдулмўмин.
C) Муҳаммад-Тимур.
D) Султон-Ҳусайн.
E) Абдуллахон II.

25. Аштархонийлар даврида кенг тарқалган ер эгалиги нима?
A) Суюрғол.
B) Вақф.
C) Танҳо.
D) Султоний.
E) Амлок.

26. XVIII асрда Урта Осиё тарихида қандай сиёсий ўзгаришлар содир бўлди?
A) Урта Осиё ва Россия савдо алоқаларига асос солинди.
B) Ҳиндистон ва Хитой билан дипломатик муносабатлар бошланди.
C) Урта Осиё давлатлари Эрон ва Кавказ ортига ҳужум қилди.
D) Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги пайдо бўлди.
E) Чор Россияси Урта Осиёни забт этди.

27. Қайси йилда Тошкент узил-кесил Қўқон хонлигига қўшиб олинди?
A) 1870 йилда.
B) 1865 йилда.
C) 1815 йилда.
D) 1803 йилда.
E) 1805 йилда.

28. Туркистонда Россия мустамлакачиларига қарши олиб борилган ҳаракатлар қандай ҳаракатлар эди?
A) Қўқон хонлигини қайта тиклаш ҳаракати.
B) Марказлашган давлатга асос солиш ҳаракати.
C) Миллий озодлик ҳаракати.
D) Қизил Армияга қарши кураш.
E) Буржуа давлатига асос солиш ҳаракати.

29. Урта Осиё Россия томонидан босиб олинганидан сўнг оддий аҳолининг аҳволи қандай бўлди?
A) Деҳқончиликка кенг эътибор берилиб янги ерлар ўзлаштирилди.
B) Аҳоли ҳарбий юришларга сафарбар этилди.
C) Оддий аҳоли шаҳарлардаги савдо ишларига жалб этилди.
D) Аҳолининг маданий савияси ошиб, Европа маданияти билан танишди.
E) Оддий аҳоли турмуш тарзи оғирлашиб, икки ёқлама зулм остига тушди.

30. XX аср бошларида Туристон ўлкасининг маъмурий бошқарилиши қандай эди?
A) Хонликлар ва амирликлар.
B) Олий мажлис орқали бошқариларди.
C) Маҳаллий кенгашлар томонидан бошқариларди.
D) Генерал губернаторлик маъмурияти.
E) Халқ депутатлари кенгаши.

31. «Туркистон мухторияти» қачон тузилди?
A) 1916 йил.
B) 1917 йил.
C) 1918 йил.
D) 1919 йил.
E) 1920 йил.

32. 1918—1920 йилларда Туркистонда бошланган маҳаллий аҳолининг Шўролар ҳокимиятига қарши кураши қандай ҳаракат эди?
A) Буржуа-либерал ҳаракати.
B) Маҳаллий зодагонлар ҳаракати.
C) Истиқлолчилик ҳаракати.
D) Ишчилар синфи ҳаракати.
E) Эсерлар ҳаракати.

33. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) аҳолига қандай имтиёзлар берди?
A) Янги иқтисодий сиёсат туфайли мамлакатнинг бош минтақаларидан келадиган ғалла, металл, газлама ва бошқалар келиши деярли тўхтаб қолди.
B) Чет давлатлар билан иқтисодий алоқалар янада кучайтирилиб, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишга эришилди.
C) Аҳоли озиқ-овқат солиғини тўлаганидан сўнг қолган маҳсулотга эркин эгалик қилиш ҳуқуқини олди. Шаҳарларда кўпгина корхоналар ижарага берилди.
D) Солиқларнинг миқдори кескин камайтирилиб, аҳолининг қашшоқ қатламларига ҳукумат томонидан моддий ёрдам бериш бошланди.
E) Ижарага олинган корхоналар хусусийлаштирилиб, уларга чет эл фирмалари билан эркин иқтисодий алоқалар қилиш ҳуқуқи берилди.

34. Хоразмда истиқлол учун ҳаракатга ким бошчилик қилди?
A) Мадаминбек.
B) Эргаш Қўрбоши.
C) Шермуҳаммадбек.
D) Омон Полвон.
E) Жунаидхон.

35. Узбекистонда амалга оширилган коллективлаштириш сиёсатининг оқибатлари:...
A) деҳқончилик хўжаликлари ҳукумат томонидан катта фойда олиб ҳосилдорликни янада оширдилар.
B) аҳолининг моддий турмуш даражаси кўтарилиб, шўро ҳукуматига нисбатан ишончи кучайиб борди.
C) коллективлашган деҳқон хўжаликлари ривожланиб шаҳарларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлади.
D) ўрта ҳол деҳқонларга нисбатан зўрлик қилиниб деҳқонларнинг норозилиги кучайди ва айрим ҳудудларда оммавий чиқишларга айланиб кетди.
E) Узбекистонда адолатли социалистик муносабатлар ўрнатилди.

36. Тарихимизда маъмурий буйруқбозлик тизими ва шахсга сиғиниш мафкурасининг ўсиб бориши нечанчи йилларга тўғри келади?
A) 1920 йилларнинг бошларига.
B) 1920 йилларнинг охирларига.
C) 1930 йилларга.
D) 1940 йилларга.
E) 1950 йилларга.

37. Қуйидаги кўрсатилган арбоблардан қайсилари сталинизм даврида «халқ душманлари» деб эълон қилинди?
A) М. Расул, К. Абдуллаев, Т. Аҳмад.
B) В. Иванов, Г. Асадов, А. Қодирий.
C) А. Фитрат, Б. Ҳамдамов, Л. Собиров.
D) У. Носир, А. Сафаров, М. Обидов.
E) А. Қодирий, У. Носир, А. Фитрат.

38. Фашизмга қарши уруш қаҳрамони Мамадали Топиболдиев шарафига қўйилган қишлоқ қаерда жойлашган?
A) Волга бўйида.
B) Шимолий Кавказда.
C) Украинада.
D) Белоруссияда.
E) Молдавияда.

39. Қўриқ ерларга сув чиқариш ва уларни ўзлаштириш, янги пахта вилоятларини яратиш оқибатлари натижасида...
A) ялпи ҳосилдорлик икки баравар кўпайди ҳамда қорамол туёқларининг сони ўсди.
B) пахта етиштириш ва уни чет элларга сотиш борасида улкан ютуқларга эришилди.
C) аҳоли зич яшайдиган вилоятлардан ўзлаштирилган ерларга аҳоли кўчирилиб, уларга барча шароит яратиб берилди.
D) пахта якка ҳокимлиги ва ижтимоий кескинлик кучайди, озиқ-овқат ҳамда экология муаммолари кўпайди.
E) боғ-роғлар янада кенгайиб, аҳолининг мева ва сабзавот маҳсулотларига бўлган талаблари доимий қондириб борилди.

40. Мустақил Ўзбекистон Президенти сайлови қачон бўлди?
A) 1991 йил 13 август.
B) 1991 йил 5 декабрь.
C) 1991 йил 24 октябрь.
D) 1991 йил 15 ноябрь.
E) 1991 йил 29 декабрь.

41. Мустақил Узбекистон Республикаси Конституцияси неча бобни ўз ичига олади?
A) 10 та бобни.
B) 26 та бобни.
C) 12 та бобни.
D) 30 та бобни.
E) 16 та бобни.

42. Узбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши...
A) халқаро алоқаларни янада мустаҳкамлаб, шаҳарларда савдо-сотиқнинг ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.
B) миллий давлат, дунёвий ижтимоий тузумнинг қарор топишида, республика суверенитетини ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда муҳим воқеа бўлди.
C) оғир саноатни ривожлантириш орқали Республика иқтисодиётини янада кўтариш қонун-қоидаларини белгилаб, тартибга солди.
D) Республика Вазирлар Маҳкамаси олдига катта вазифалар қўйиб уларнинг бажарилишини назорат қилишда катта роль ўйнади.
E) Узбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаб, уни дунёдаги энг ривожланган давлатлар тан олишини таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга бўлди.

43. 1994 йил Узбекистоннинг маънавий ҳаётида қандай муҳим воқеа содир бўлди?
A) Янги олий ўқув юртлари очилди.
B) Вилоятларда маданий ҳордиқ чиқариш масканлари қурилди.
C) Хорижий давлатлар санъат усталари билан ҳамкорлик ҳақида 3 йил муддатга битим имзоланди.
D) Буюк мутафаккир олим Улуғбекнинг 600 йиллик таваллуди кенг нишонланди.
E) Узбекистон Республикаси фанлар Академиясининг янги дастури тузилди.

44. Узбекистон суверенитети тўғрисида Республика Олий Совети томонидан декларация қачон қабул қилинди?
A) 1989 йил, 10 ноябрь.
B) 1990 йил, 3 март.
C) 1990 йил, 26 апрель.
D) 1990 йил, 21 июль.
E) 1991 йил, 1 сентябрь.

45. 1993 йил март ойида республика Президенти И. Каримов Қизил Урдада қандай ҳужжатни имзолади?
A) Узбекистон ва Қозоғистон ҳамкорликда 200 минг гектар қўриқ ерни ўзлаштириш ва бу ерларда пахтачиликни ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатни.
B) Узбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги чегараларга аниқлик киритиб, бу чегараларга йирик ДАН постлари қуриш ҳақидаги ҳужжатни.
C) 1994—1995 йиллар мобайнида Узбекистон ва Қозоғистон ўртасида пахта ва чорвачилик маҳсулотларини ўзаро сотиш ва шу асосда иқтисодиётни кўтариш ҳақидаги ҳужжатни.
D) Орол бўйини экологик жиҳатдан соғломлаштириш юзасидан Қозоғистон ва бир қанча халқаро ташкилотлар билан биргаликда фонд тузиш тўғрисидаги ҳужжатни.
E) Узбекистон ва Қозоғистон ҳамкорликда саноат корхоналари барпо этиб, тайёрланган маҳсулотларни чет эл бозорларига олиб чиқиш ҳақидаги ҳужжатни.

46. Қадимги Мисрда энг улкан пирамида-мақбара қайси фиръавн шарафига иншоот этилган?
A) Микерен.
B) Жосер.
C) Хеопс.
D) Тутмос.
E) Рамзес.

47. «Иллиада» ва «Одиссея» достонларини ким яратган?
A) Геродот.
B) Эсхил.
C) Софокл.
D) Гомер.
E) Гекатей.

48. Машҳур Марафон жангида қайси халқлар ўзаро тўқнашди?
A) Форслар ва римликлар.
B) Мисрликлар ва оссурияликлар.
C) Греклар ва форслар.
D) Македонияликлар ва греклар.
E) Греклар ва римликлар.

49. Ривоятга кўра, Муқаддас Рим шаҳрига қачон асос солинди?
A) Мил. ав. VIII аср
B) Мил. ав. VII аср
C) Мил. ав. V аср
D) Мил. ав. IV аср
E) Мил. ав. III аср

50. Ҳарбий демократия нима?
A) Илк давлат бирлашмалари.
B) Халқ йиғини.
C) Қабилаларнинг йирик иттифоқларга айланиб кетиши, ҳарбий бошлиқлар ҳокимиятининг кучайиши.
D) Ҳарбий бошлиқлар қўшинлари мавқеининг кучайиши.
E) Кўчманчи қабилалар ҳужумидан мудофаа этиш воситаси (тартиби).

51. Скифлар ўрнашган ҳудуд...
A) Каспий бўйлари ва Кавказ орти.
B) Шимолий Қора денгиз бўйи ва Урал.
C) Қора денгиз бўйи ва Кавказ.
D) Шимолий Қора денгиз бўйи ва Днепр ҳавзаси.
E) Днепр ҳавзаси ва Болтиқ денгизи бўйлари.

52. Халқларнинг буюк кўчиши қачон бошланган?
A) II асрда.
B) IV асрда.
C) III асрда.
D) V асрда.
E) VI асрда.

53. Шарқий славянларнинг IX асрга қадар тарихи нималар билан изоҳланади?
A) Илк бор давлат уюшмаси таркиб топган.
B) Ҳунармандчилик равнақ топди ва шаҳарлар вужудга келди.
C) Ягона марказлашган феодал давлатига айланиш жараёни юз берди.
D) Ибтидоий жамоа тузуми тараққий этди.
E) Халқаро савдо-сотиқ ривож топди.

54. Ўрта асрларда рус ерларига ҳужум қилиб хавф солган кўчманчи халқлар...
A) сарматлар ва қипчоқлар.
B) скифлар ва печенеглар.
C) саклар ва нўғайлар.
D) печенеглар ва қипчоқлар.
E) мўғуллар ва сарматлар.

55. 1072 йилда тузилган «Русская Правда» — бу...
A) рус князларининг йилномаси.
B) деҳқонлар ва дружиначилар ўртасидаги муносабатларни қонунга солувчи қонуннома.
C) солиқлар тўлаш белгиланган ҳужжат.
D) ҳукмрон синфнинг шахсий ва хўжалик ҳаётини муҳофаза этувчи қонунлар мажмуи.
E) Рус давлатинингислоҳотлар дастури.

56. Ўрта асрларда давлатнинг моҳияти?
A) Мазлум синфларни ўзига итоат этувчи, улар устидан тўлиқ ҳукмронлик қилувчи алоҳида куч.
B) Уруғ-қабила йиғинларини ўтказиб турувчи муассаса.
C) Қабилаларнинг ўртасидаги низо-жанжалларни бартараф этувчи алоҳида куч.
D) Ижтимоий синф ва қатламларга тенглик имконини берувчи муассаса.
E) Эзилган, қашшоқ синф ва қатламларни муҳофаза этувчи.

57. Феодаллар ўртасида ўзаро урушларнинг асосий сабаби нимада?
A) Ўз қўли остидаги аскарларнинг сонини қўшни ер-мулкларни босиб олиш ҳисобига кўпайтириш.
B) Тутқунликдаги деҳқонларни озод этишга жаҳд қилиш.
C) Қўшни феодалларнинг ерини, унда яшаб турган деҳқонлари билан бирга қўшиб босиб олишга интилиш.
D) Қулларга эга бўлишга ҳаракат қилиш.
E) Қўшни феодалларнинг деҳқонлари билан бирга христиан динига мажбуран ўтказиш.

58. VII аср охирларида Булғор подшолигига кирган ҳудудлар?
A) Дунай дарёсининг ўрта оқими.
B) Лаба билан Одра (Одер) дарёлари ўртасидаги ерлар.
C) Болтиқ денгизи соҳиллари.
D) Дунай дарёсининг қуйи оқими бўйлаб Болқон тизмаларининг шимолига қараб кетган ҳудуд.
E) Висла дарёси бўйлари.

59. Ҳунармандчилик қайси хўжалик соҳасидан ажралиб чиқди?
A) Чорвачиликдан.
B) Овчиликдан.
C) Деҳқончиликдан.
D) Балиқчиликдан.
E) Темирчиликдан.

60. Урта асрлар даврида қадимги шаҳарларнинг қайта тикланиб, янгидан вужудга келиши қачон ва қаерда юз берди?
A) X асрда Германияда, кема қатнайдиган Рейн ва Дунай соҳиллари ҳудудларида.
B) IX асрда Италия ва Франция жанубида.
C) X—XI асрларда Шарқий ва Марказий Европа ҳудудларида.
D) IX асрда Франциянинг шимолий-ғарбий ерлари ва Буюк Британия ҳудудларида.
E) IX асрда Скандинавия ҳудудида.

61. Мўғул-татарлар ва рус қўшинлари ўртасида Калка дарёси бўйидаги жанг қачон бўлиб ўтган?
A) 1221 й.
B) 1222 й.
C) 1223 й.
D) 1224 й.
E) 1225 й.

62. XIII асрда Ғарбий Европа тарихида инквизиция деганда нимани тушунасиз?
A) Рим папасининг даҳрий (еретик)ларга қарши курашиш учун ташкил этган махсус черков суди.
B) Католик динининг насронийлик диний оқимлари ва ислом динига қарши кураши.
C) Рим папасининг шарқ мамлакатларини босиб олишга қаратилган сиёсати.
D) Папанинг дунёвий феодалларни ўзига итоатда тутиш учун олиб борган сиёсати.
E) Черковнинг деҳқонлар ер-мулкини зўрлаб тортиб олиш сиёсати.

63. XIV—XV асрларда, рус ерларида феодаллар синфининг янги қатлами — дворянлар кимлардан келиб чиққан?
A) Бўш ерларга келиб ўрнашган деҳқонлар ва ҳунармандлардан.
B) Черков томонидан берилган ер-мулк эгасидан.
C) Ҳарбий хизмат эвазига йирик ер эгасидан ер-мулк олган мулк соҳибидан.
D) Деҳқонлар орасидан бойиб кетган кишилардан.
E) Русь даштларига келиб ўрнашган кўчманчи халқларнинг юқори қатламидан.

64. 1302 йилда Франция қироли Филипп IX томонидан чақирилган Генерал штатларнинг аъзолари қайси ижтимоий қатламларга мансуб эди?
A) Деҳқонлар ва ҳунармандлар.
B) Рицарлар, руҳонийлар ва шаҳарнинг қуйи қатлами.
C) Руҳонийлар, дворянлар ва давлатманд шаҳарликлар.
D) Давлатманд шаҳарликлар ва деҳқонлар.
E) Ҳунармандлар, руҳонийлар ва дворянлар.

65. Ўрта аср Ғарбий Европасида цехлар — бу...
A) турли касб эгаларининг уюшмалари.
B) савдогарлар ва ҳунармандларнинг уюшмалари.
C) деҳқонлар ва ҳунармандлардан иборат уюшма.
D) чорвадор-деҳқонлар ва косиблар уюшмалари.
E) бир хил касб ҳунармандларининг уюшмалари.

66. Англия ва Франция ўртасидаги юз йиллик урушнинг асосий сабаби нимада?
A) Қуруқликдаги савдо йўлларини эгаллаш.
B) Денгиз савдо йўлларини ишғол этиш.
C) Европа қитъасида ҳукмрон бўлиш.
D) Аквитания ва Фландрия графлигидаги ерларга эгалик қилиш.
E) Шампань ва Лион вилоятидаги ерларни ишғол этиш.

67. 1550 йилда подшо Иван Грозний даврида қабул қилинган янги Судебник...
A) деҳқонларни мажбурий равишда ҳарбий хизматга чақиришни қонунлаштирди.
B) янги солиқларни белгилади ва черков ер эгалигини тугатди.
C) марказлашган бошқарув тизимини кучайтирди, ер эгаларидан деҳқонларни йилда бир марта, ижара ҳақини тўлаганидан кейин қўйиб юбориш ҳуқуқини мустаҳкамлади.
D) жойлардаги маъмурий бошқарув бўғинларида, қонунчилик тизимларида ўзбошимчалик қилишни таъқиқлади.
E) маҳаллий маҳкамалар — приказларни ривожлантирди, марказлашган бошқарув тизимини кучайтирди.

68. Урта аср Ғарбий Европа мамлакатларида саррофлар кимлар бўлган?
A) Бозорда савдо-сотиқни назорат қилувчилар.
B) Бозорларда тарозиларнинг тўғри-нотўғрилигини текширувчилар.
C) Бож ва турли тўловларни йиғувчилар.
D) Пул ишлари, уларни алмаштириш билан машғул шахслар.
E) Бозорга келтирилган маҳсулотларнинг сифатини текширувчилар.

69. XV асрнинг иккинчи чорагида вужудга келган Қозон хонлиги таркибидаги халқлар?
A) Руслар, украинлар, белоруслар, татарлар, чувашлар.
B) Татарлар, марилар, удмуртлар, чувашлар, мордвалар, бошқирдлар.
C) Татарлар, қипчоқлар, қозоқлар, бошқирдлар, қорақалпоқлар.
D) Татарлар, қалмиқлар, ўзбеклар, қорақалпоқлар, аварлар.
E) Поляклар, гагаузлар, молдаванлар, руслар, мўғуллар.

70. 1697—1698 йилларда Пётр I ташаббуси билан чет элга «буюк элчихона» нима мақсадда юборилди?
A) Чет эл дунёвий фанлари, техника ва ишлаб чиқариш янгиликлари билан танишиш, илғор мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ва турли мутахассисларни Россияда ишлаш учун жалб қилиш.
B) Англия ва Голландиядаги савдо-сотиқ ишлари билан танишиш.
C) Чет элнинг турмуш-тарзи, анъаналарининг ижобий тажрибаси ва ҳаёти билан яқиндан танишиш, аҳолининг расм-русумларига кўпроқ эътибор бериш.
D) Чет эл қуруқликдаги ва денгиздаги ҳарбий кучларини ўрганиш, бу соҳада уларнинг тажрибаси билан танишиш, ҳарбий машқларни биргаликда ўтказиш.
E) Чет эл давлат муассасаларининг тизими, бошқарув ташкилоти билан яқиндан танишиш ва Россиянинг парламентига асос солиш.

71. 1882 йилда қарор топган Учлар иттифоқи аъзоси бўлган асосий давлатлар?
A) Германия, Франция, Италия.
B) Англия, Франция, Австрия-Венгрия.
C) Германия, Австрия-Венгрия, Италия.
D) АҚШ, Япония, Россия.
E) Россия, Италия, Англия.

72. XIX асрнинг 50—70-йилларида «жаҳон устахонаси» номини олган давлат?
A) Венгрия.
B) Чехия.
C) Франция.
D) Япония.
E) Буюк Британия.

73. Резервация — бу...
A) ҳинду (индеец)лар чегараланган яшаш зоналари.
B) қора танлиларнинг яшаш манзиллари.
C) фермер хўжаликлари жойлашган ҳудуд.
D) қишлоқ экинлари экиладиган майдон.
E) тутқунда бўлганлар сақланадиган зона.

74. «Учлар иттифоқи»нинг мухолифи Антанта ҳарбий-сиёсий блоки эди. Антантанинг аъзолари қайси давлатлар бўлган?
A) Англия, Франция, Италия.
B) Италия, Германия, АҚШ.
C) Австрия-Венгрия, Германия, Англия.
D) Австрия-Венгрия, Германия, Россия.
E) Англия, Франция, Россия.

75. Биринчи жаҳон урушини келтириб чиқарган асосий зиддият қайси давлатлар ўртасида бўлган?
A) Германия билан Франция ўртасида.
B) Австрия-Венгрия билан Болқон халқлари.
C) Англия билан Франция ўртасида.
D) Германия билан Англия ўртасида.
E) Австрия билан Сербия ўртасида.

76. Германияда фашизм режими қачон тўла шаклланди?
A) 1922 й.
B) 1924 й.
C) 1927 й.
D) 1933 й.
E) 1939 й.

77. Ғарб маданиятидаги декадентлик нима?
A) Тушкунлик.
B) Келажакка ишонч.
C) Гўзалликни севиш.
D) Ўтмишга ишонч.
E) Даҳрийлик.

# ГЕОГРАФИЯ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест савол-жавоблари**

**(Давоми. Боши газетамизнинг 12 апрель сонида)**

1. Қайси аср буюк географик кашфиётлар эраси дейилади?
A) XI аср
B) XIII аср
C) XV аср
D) XVII аср
E) XVIII аср

2. Африканинг қайси қисмида доимий қор ва музликлар мавжуд?
A) Дракон тоғларида
B) Атлас тоғларида
C) Килиманжаро ва Кения тоғларида
D) Ҳабашистон тоғларида
E) Шарқий Африка ясси тоғларида

3. Ер шарининг қайси қисмида шимолий йўналиш бўлмайди?
A) Экваторда
B) Жанубий тропик чизиқда
C) Шимолий қутбда
D) Жанубий қутбда
E) Шимолий тропик чизиқда

4. Ўзбекистондаги энг кўп азот ўғитлари ишлаб чиқарадиган корхона:
A) Фарғона «Азот» корхонаси.
B) Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмаси.
C) «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси.
D) Ангрен шаҳридаги азот ўғитлари заводи.
E) Навоий электрохимия комбинати.

5. Қандай корхоналар хомашё манбаига яқин қурилади?
A) Металлургия корхоналари.
B) Тўқимачилик корхоналари.
C) Станоксозлик корхоналари.
D) Маиший хизмат корхоналари.
E) Кемасозлик корхоналари.

6. Ўзбекистонда қайси транспорт турида энг кўп юк ташилади?
A) Автомобиль транспортида.
B) Темир йўл транспортида.
C) Қувур транспортида.
D) Ҳаво транспортида.
E) Ҳаво ва қувур транспортида.

7. Жаҳондаги федератив тузумга эга бўлган давлатларни топинг?
A) АҚШ, Бразилия, Канада, Венесуэла.
B) Франция, Италия, Қозоғистон, Мексика.
C) Япония, Корея, Аргентина, Мексика.
D) ГФР, Швеция, Испания, Португалия.
E) Австрия, Аргентина, Россия, Уругвай.

8. Жаҳондаги қайта ишловчи саноатнинг йирик марказларини топинг?
A) Африка давлатлари, Жануби-шарқий Осиё давлатлари.
B) Лотин Америкаси ва яқин шарқ мамлакатлари.
C) Марказий Америка давлатлари, Колумбия, Эквадор.
D) Ғарбий Европа давлатлари, Шимолий Америка давлатлари, Япония.
E) Шимолий Америка давлатлари, Марказий Осиё мамлакатлари.

9. Қуйидаги табиат зоналарининг қай бири Жанубий Америкада учрамайди?
A) Доимий нам ва яшил ўрмонлар зонаси.
B) Намлиги ўзгарувчан, баргини тўкадиган тропик ўрмонлари зонаси.
C) Саванналар ва сийрак ўрмонлар зонаси.
D) Дашт ва чала чўл зонаси.
E) Арктика зонаси.

10. Ихтисослашув деганда нимани тушунасиз?
A) Бир корхонада бир қанча саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни.
B) Тўла циклли ишлаб чиқаришни.
C) Бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришни.
D) Маҳсулот сони бўйича етакчи тармоқни.
E) Маҳсулот бирлигида қилинадиган сарфнинг камайишини.

11. Тоғ деб нимага айтилади?
A) Баланд чўққиларга эга бўлган тепаликларни
B) Ер юзасининг рельефи жуда парчаланиб кетган ва текисликдан баланд кўтарилган қисмларини
C) Чўққиси, ёнбағирлари аниқ ифодаланган тепаликни.
D) Денгиз сатҳидан мутлақ баландликлари 1000 м дан ошиқ тепаликларни
E) Денгиз сатҳидан мутлақ баландликлари 800 м дан ошиқ тепаликларни

12. Везувий вулкани қайси ярим оролда жойлашган?
A) Камчатка ярим оролида
B) Аляска ярим оролида
C) Аппенин ярим оролида
D) Болқон ярим оролида
E) Калифорния ярим оролида

13. Дунёдаги энг баланд шаршара қайси ва у қайси материкда жойлашган?
A) Виктория шаршараси-Африкада
B) Ниагара шаршараси-Шимолий Америкада
C) Стенли шаршараси-Африкада
D) Анхель шаршараси-Жанубий Америкада
E) Кўксув шаршараси-Евросиёда

14. Ўзбекистоннинг энг катта воҳалари қайсилар?
A) Фарғона, Зарафшон
B) Оҳангарон, Чирчиқ
C) Хоразм, Тошкент
D) Сурхондарё, Қашқадарё
E) Сурхон — Шеробод

15. Ўзбекистонда қайси вилоят узумни энг кўп етиштиради?
A) Бухоро
B) Сурхондарё
C) Тошкент
D) Самарқанд
E) Қашқадарё

16. Ўзбекистондаги қайси вилоятнинг аҳолисини энг кўп деб ҳисоблайсиз?
A) Хоразм
B) Қашқадарё
C) Тошкент
D) Самарқанд
E) Андижон

17. Ўзбекистонда қайси экинлардан йилига икки маротаба ҳосил олиш мумкин?
A) Маккажўхори, сабзавот, полиз.
B) Мевачилик, узумчилик.
C) Боғдорчилик, цитрус мевалари
D) Буғдой, шоли, арпа, пахта.
E) Маккажўхори, дон экинлари, пахта.

18. Юк ташиш ҳажмига кўра дунёда қайси давлат флоти биринчи ўринда туради?
A) АҚШ
B) Япония
C) Либерия
D) Саудия Арабистони
E) Чили

19. Қуйидаги қайси давлатларнинг бошқарилиши республика типида?
A) Ҳиндистон, Покистон, Франция.
B) Малайзия, Тайланд, Бельгия.
C) Япония, Буюк Британия, Франция.
D) АҚШ, Канада, Малайзия.
E) Дания, Туркия, Саудия Арабистони.

20. Автомобиль ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда капиталистик дунёда қуйидаги қайси мамлакат биринчи ўринда туради?
A) Германия
B) Япония
C) Буюк Британия
D) АҚШ
E) Италия

21. Қуйидаги мамлакатларнинг қай бирининг давлат тузуми конституцион монархия?
A) Сингапур.
B) Тайланд.
C) Саудия Арабистони.
D) Индонезия.
E) Қувайт.

22. Африканинг географик жойлашувидаги асосий хусусият нимада?
A) Ғарбда Атлантика океани борлигида.
B) Шимолда иккита денгиз суви чегараланганида.
C) Қоқ ўртасидан экватор кесиб ўтганлигида.
D) Бош меридиан кесиб ўтганлигида.
E) Сувайш бўйни орқалигина Евросиё материгига гўё «илиниб» тургандек кўринишида.

23. Шимолий қутбни биринчи бор забт этган сайёҳ ва олим ким?
A) Роберт Эдвин Пири.
B) Фритьоф Нансен.
C) Руал Амундсен.
D) Роберт Скотт.
E) Франсис Дрейк.

24. Горизонталлар нима?
A) Пландаги баландлиги бир хил бўлган нуқталарни бирлаштирувчи чизиқлар.
B) Пландаги мутлақ баландлиги бир хил бўлган нуқталарни бирлаштирувчи шартли чизиқлар.
C) Пландаги баландлиги бир хил бўлган нуқталарни бирлаштирувчи тўғри чизиқлар.
D) Пландаги нисбий баландлиги бир хил бўлган нуқталарни бирлаштирувчи чизиқлар.
E) Бир хил чуқурликдаги нуқталарни бирлаштирувчи чизиқ.

25. Қуйидаги нуқтанинг географик координатасини аниқланг.




A) 30° жанубий кенглик
50° ғарбий узунлик.
B) 45° шимолий кенглик
65° ғарбий узунлик.
C) 25° жанубий кенглик
65° шарқий узунлик.
D) 30° шимолий кенглик
55° шарқий узунлик.
E) 30° шимолий кенглик
50° шарқий узунлик.

26. Атмосфера босими нима?
A) Ҳавонинг Ер юзасига босиб турадиган кучи.
B) Ҳавонинг Ер юзасига ва ундаги баъзи нарсаларга босиб турадиган кучи.
C) Ҳавонинг Ер юзасига ва ундаги барча нарсаларга босиб турадиган оғирлиги.
D) Ҳавонинг ер юзасига босиб турадиган оғирлиги.
E) Ҳавонинг материк юзасига ва океан сатҳига босиб турадиган кучи.

27. Бир йилда ҳар иккала ярimshар неча марта бир хил ёритилади?
A) Бир марта.
B) Икки марта.
C) Тўрт марта.
D) Ўн икки марта.
E) Ҳар куни.

28. Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида материклар майдонларининг катталиги бўйича тўғри тартибда жойлаштирилган?
A) Африка, Евросиё, Австралия, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Антарктида.
B) Евросиё, Африка, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Антарктида, Австралия.
C) Евросиё, Шимолий Америка, Африка, Жанубий Америка, Антарктида, Австралия.
D) Евросиё, Африка, Шимолий Америка, Антарктида, Жанубий Америка, Австралия.
E) Евросиё, Африка, Антарктида, Австралия, Жанубий Америка, Шимолий Америка.

29. Евросиёнинг энг катта қисми қайси иқлим минтақасида жойлашган?
A) Арктика иқлим минтақасида.
B) Субарктика иқлим минтақасида.
C) Шимолий мўътадил минтақасида.
D) Субтропик иқлим минтақасида.
E) Тропик иқлим минтақасида.

30. Машҳур Ниагара шаршараси қайси кўллар орасида жойлашган?
A) Эри ва Онтарио кўлларининг
B) Эри ва Гурон кўлларининг
C) Гурон ва Мичиган кўлларининг
D) Гурон ва Юқори кўлларининг
E) Мичиган ва Юқори кўлларининг.

31. Шимолий Америка даштлари нима деб аталади?
A) Саванна.
B) Пампа.
C) Кампос.
D) Прерия.
E) Льянос.

32. Жанубий Америкада қайси иқлим минтақаси икки марта такрорланади?
A) Экваториал
B) Субэкваториал
C) Тропик
D) Субтропик
E) Мўътадил.

33. «Демографик портлаш» деганда нимани тушунасиз?
A) Юқори даражада туғилишни.
B) Паст даражадаги аҳоли ўлимини.
C) Аҳолининг юқори даражадаги табиий кўпайишини.
D) Аҳоли кўпайишининг юқори суръатларини.
E) Иш жойларининг етишмаслиги, ишсизликни.

34. Қайси уч регион жаҳоннинг катта иқтисодий ихтилофлар мавжуд бўлган «уч бурчаги» деб аталади?
A) Ғарбий Европа, Япония, Жанубий Осиё.
B) АҚШ, Яқин Шарқ, Ғарбий Европа.
C) АҚШ, Ғарбий Европа, Жанубий Америка.
D) Ғарбий, Шарқий ва Жанубий Европа.
E) АҚШ, Ғарбий Европа, Япония.

35. Қуйида келтирилган мамлакатларнинг қайси бири кўмир қазиб олиш бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди?
A) Буюк Британия.
B) Хитой.
C) АҚШ.
D) Германия.
E) Польша.

36. Саноатнинг қайси тармоғи АҚШнинг жаҳон хўжалигидаги ўрнини аниқлаб беради?
A) Авиация.
B) Автомобилсозлик.
C) Электроника.
D) Космик саноат.
E) Қишлоқ хўжалик машинасозлиги.

37. Қир ва баландликларнинг, супа тоғларнинг Орол денгизи томон тик тушган баланд ёнбағри нима деб аталади?
A) Плато.
B) Жарлик.
C) Жар.
D) Чинк.
E) Қиялик.

38. Ўзбекистоннинг текислик қисмида жойлашган табиий географик ўлкаларни белгиланг.
A) Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона.
B) Қуйи Амударё, Устюрт, Қизилқум.
C) Мирзачўл, Қашқадарё.
D) Сурхондарё, Қизилқум.
E) Қуйи Амударё, Чирчиқ-Оҳангарон.

39. Қуйи Амударё иқтисодий туманидаги ёғоч ва тошларга нақш солиш, наққошлик, каштачилик мисгарлик ва кулолчилик маркази қайси шаҳар?
A) Беруний.
B) Урганч.
C) Хива.
D) Хазорасп.
E) Тўрткўл.

40. Жанубий қутбни биринчи бўлиб ким забт этган?
A) Руал Амундсен.
B) Роберт Скотт.
C) Жеймс Кук.
D) Франсис Дрейк.
E) Ф. Ф. Беллинсгаузен.

41. Ернинг ташқи қобиғини нималар ҳосил қилади?
A) Литосфера, Стратосфера, Тропосфера, Биосфера.
B) Гидросфера, Биосфера, Тропосфера, Стратосфера.
C) Стратосфера, Литосфера, Гидросфера, Тропосфера.
D) Литосфера, Атмосфера, Гидросфера, Биосфера.
E) Атмосфера, Стратосфера, Тропосфера, Литосфера.

42. Текисликлар нима?
A) Ер юзасининг нисбий баландлиги О м дан ошмайдиган қисми.
B) Ер юзасининг нисбий баландликлари 100 м дан ошмайдиган қисмлари.
C) Ер юзасининг нисбий баландликлари 180 м дан ошмайдиган қисми.
D) Ер юзасининг нисбий баландликлари 200 м дан ошмайдиган қисмлари.
E) Ер юзасининг нисбий баландлиги 400 м дан ошмайдиган қисмлари.

43. Ҳаво ҳарорати ўзгаришининг йиллик амплитудаси нима?
A) Йилдаги илиқ ой билан совуқ ой ҳарорати орасидаги фарқ.
B) Йилдаги иссиқ ой билан совуқ ой ҳароратлари орасидаги фарқ.
C) Йилдаги энг иссиқ ой билан совуқ ой ҳароратлари орасидаги фарқ.
D) Йилдаги энг илиқ ой билан энг совуқ ой ҳароратлари орасидаги фарқ.
E) Йилдаги июнь билан январь ойлари ҳароратлари орасидаги фарқ.

44. Қуйидаги топографик белги нимани билдиради?
о- о-
о-
о- о-
A) Кесилган ўрмон.
B) Бутазор.
C) Ўтлоқ.
D) Сийрак ўрмон.
E) Мевали боғ.

45. Ер шарининг асосий иқлим минтақаларини белгиланг?
A) Экваториал, субэкваториал, тропик, субтропик.
B) Мўътадил, субарктика, арктика, субтропик.
C) Экваториал, тропик, мўътадил, арктика (антарктика).
D) Арктика, субарктика, тропик, субтропик.
E) Тропик, экваториал, мўътадил, субарктика.

46. Ер юзи (қуруқлик) даги денгиз сатҳидан энг паст нуқтани белгиланг?
A) -593 м
B) -476 м
C) -414 м
D) -402 м
E) -153 м

47. Автстралиянинг катта қисмида ҳукмрон бўлган иқлимни белгиланг?
A) Тропик қуруқ иқлим.
B) Тропиқ нам иқлим.
C) Субэкваториал иқлим.
D) Субтропик қуруқ иқлим.
E) Субтропик нам иқлим.

48. Антакртиданинг чекка шимолий нуқтасини белгиланг?
A) Бэрд бурни.
B) Антарктида ярим ороли.
C) Баттерби бурни.
D) Колбек бурни.
E) Дарт бурни.

49. Ер шаридаги аҳоли энг зич жойлашган регионни белгиланг?
A) Осиё.
B) Африка.
C) Шимолий Америка.
D) Австралия.
E) Европа.

50. Қуйидаги келтирилган жавобларнинг қайси бирида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича жаҳоннинг етакчи беш мамлакати тўғри тартибда жойлаштирилган?
A) ГФР, АҚШ, Япония, Франция, Италия.
B) АҚШ, Япония, ГФР, Италия, Франция.
C) Япония, АҚШ, ГФР, Франция, Италия.
D) Япония, АҚШ, Франция, ГФР, Италия.
E) Япония, АҚШ, Италия, ГФР, Франция.

51. АҚШ аҳолисининг кўпайишига энг катта таъсир кўрсатган омилни белгиланг?
A) Эмиграция.
B) Иммиграция.
C) Табиий кўпайиш.
D) Урбанизация.
E) Субурбанизация.

52. Марказий Осиёда энг баланд тоғ чўққиси қайси?
A) Ғалаба.
B) Корженевская.
C) Коммунизм.
D) Хонтангри.
E) Семёнов.

53. Сангзор дарёсининг Темурланг (Илонўтти) дарвозаси, қайси тоғ тизмаларини бир-биридан ажратиб туради?
A) Чотқол-Қурама.
B) Угом-Пском.
C) Туркистон-Зарафшон.
D) Бойсунтоғ-Сурхонтоғ.
E) Молгузар-Нурота.

54. Фарғона водийсида жойлашган чўлнинг номини айтинг?
A) Қорақалпоқ чўли.
B) Қарноб чўли.
C) Далварзин чўли.
D) Малик чўли.
E) Жом чўли.

55. Тошкент вилоятидаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли қотишмалар комбинати ҳамда сунъий тола ишлаб чиқарувчи «капролактан» заводи қайси шаҳарда жойлашган?
A) Олмалиқ.
B) Чирчиқ.
C) Янгиобод.
D) Ангрен.
E) Туйтепа.

56. Кишилар томонидан яратилган, дарё ва кўл сувлари тўлдирилган ўзан—қурилмани белгиланг.
A) Сув омбори
B) Канал
C) Қолдиқ кўл
D) Туғонли кўлмак
E) Оқимсиз кўл

57. Ер шарида ороллар ичида кўплаб катта ва кичиклари бор. Улардан энг йиригини айтинг.
A) Янги Гвинея
B) Калимантан
C) Суматра
D) Гренландия
E) Мадагаскар

58. Евросиёга тегишли тоғлар гуруҳини ажратинг.
A) Аппалачи, Кордильера, Тян-шань.
B) Помир, Дракон, Аждаҳо, Атлас.
C) Ҳиндиқуш, Пиренея, Альп.
D) Кавказ, Анд, Кап.
E) Катта сув айирғич тизма, Урал, Қрим.

59. Қуйидаги мамлакатлардан қайси бири чой етиштиришда биринчи ўринни эгаллайди?
A) Индонезия.
B) Шри-Ланка (Цейлон).
C) Хитой.
D) Ҳиндистон.
E) Малайзия.

60. АҚШ даги қайси штат «давлат ичидаги давлат» деб юритилади? Бу штат майдони жиҳатдан Япониядан, аҳоли сони бўйича Канададан олдинда туради.
A) Техас
B) Калифорния
C) Флорида
D) Монтана
E) Кентукки

61. Миграция ҳодисаси Ер шари аҳолиси учун хос жараёнлардан. Бу тушунчанинг мазмунини белгиланг.
A) Давлат (мамлакат)га аҳолининг кириб келиши.
B) Давлатдан аҳолининг чиқиб кетиши.
C) Аҳолининг турли мақсадларда бир жойдан иккинчи жойга кўчиши.
D) Аҳолининг мамлакат ичидаги кўчиши (ҳаракати).
E) Аҳолининг мамлакатлар ўртасидаги кўчиши.

62. Энг йирик, агломерацияси 70 та, ёнма-ён ўсиб чиққан шаҳарларни бирлаштирадиган шаҳарни белгиланг.
A) Деҳли
B) Бомбей
C) Калькутта
D) Мадрас
E) Агра

63. Инсониятнинг озиқ-овқат муаммосини ечишдаги бош йўналишини айтинг.
A) Келажакда ҳайдаладиган ерларни ва балиқчилик соҳаларини ривожлантириш.
B) Ишлаб чиқаришнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш (ишлаб чиқиш).
C) Хўжалик юритишнинг интенсив йўналиши.
D) Дунё океани бойлиги ҳисобига маҳсулотларнинг ошиши.
E) Айрим мамлакатларда махсулотлар экспортининг ошиши.

64. Муз келтирган тоғ жинси парчасини нима деб аташ мумкин?
A) Қор чизиғи
B) Айсберг
C) Абадий музлик
D) Морена
E) Қолдиқ кўл

65. Океан оқимлари совуқ ва илиқ, кичик ва йирик бўлиши мумкин. Қуйидагилардан қайси бири энг йирик ҳисобланади?
A) Гольфстрим
B) Калифорния
C) Куросио
D) Шарқий Австрия
E) Ғарбий шамоллар

66. 1922 йилнинг сентябрь ойида бу шаҳар ёнидаги метеостанцияда термометр устуни энг юқори, яъни +58,1°C даражага кўтарилгани қайд этилди. Бу Ер юзасида кузатилган энг баланд ҳарорат эди. Ўша қайси шаҳар?
A) Бомбей
B) Триполи
C) Бағдод
D) Жазоир (Алжир)
E) Адис-Аббеба

67. Қайси ороллар гуруҳи Евросиёга тегишли?
A) Шимолий Ер, Ньюфаундленд, Катта Антил ороллари.
B) Сахалин, Соломонов, Тасмания ороллари.
C) Янги Коледония, Каргелен, Шпицберген ороллари.
D) Филиппин, Янги Ер, Врангел ороллари.
E) Ирландия, Гавайи, Янги Гебрид ороллари.

68. Ўзбекистондаги Майдонтол ва Бошқизилсой қисм (участка)ларидан ташкил топган қўриқхонани ажратинг.
A) Пайғамбаророл.
B) Зарафшон.
C) Зомин.
D) Қизилқум.
E) Чотқол.

69. Қува анорлари ўз сифатига кўра дунёдаги яхши анорлардан ҳисобланади. Ўзбекистоннинг қайси вилоятида етиштирилади?
A) Тошкент
B) Сирдарё
C) Фарғона
D) Навоий
E) Наманган

70. Чорва моллари қорамол, эчки, қўй сонига кўра дунёда 1 ўринда, гўшт истеъмол қилишда эса охирги ўринлардан бирини эгаллайдиган мамлакатни кўрсатинг.
A) Аргентина
B) Бразилия
C) АҚШ
D) Ҳиндистон
E) Австрия

71. Дунёда гўшт маҳсулотларининг 2/5 қисмини чўчқачилик беради. Дунё мамлакатларидан қайси бири чўчқачиликда 1-ўринни эгаллайди?
A) Хитой
B) АҚШ
C) Бразилия
D) Россия
E) Германия

72. АҚШ нефткимё ва газ саноатининг асосий райони Мексика қўлтиғининг ҳавзасидир. АҚШ нинг нефткимё пойтахтини айтинг.
A) Хьюстон
B) Янги Орлеан
C) Мемфис
D) Даллас
E) Сан-Антонио

73. Кўплаб меъморчилик иншоотларини безаган Ўзбекистоннинг машҳур мармар кони қайси?
A) Китоб
B) Ғозғон
C) Бахмал
D) Шўрсув
E) Ўрқутсой

74. Ўзбекистонинг қайси дарёсида йирик ГЭС каскадлари қурилган?
A) Сирдарё
B) Зарафшон
C) Чирчиқ
D) Оҳангарон
E) Сангзор

75. Инсониятни чучук сув билан таъминлайдиган асосий манбани белгиланг?
A) Сувомборлар
B) Ер ости сувлари
C) Дарё сувлари
D) Музлар
E) Чучук кўллар

**(Тест савол-жавобларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ТТМ ва «Маърифат» газетаси таҳририяти рухсатисиз чоп этиш ва тарқатиш мумкин эмас).**

*Жонбахш томирлар*

# АТҲАД СИНЎҒИЛ 60 ЁШДА



Атҳад Синўғил Ўзбекистонда яшаб ижод қилаётган атоқли татар шоирларидан биридир.

А. Синўғил 1935 йилда Бошқирдистоннинг Истарлибош туманида туғилди. Тўққиз ойлик чақалоқлигида онадан етим қолди. Отаси Масалим ўғли Макарим 1942 йилда урушда ҳалок бўлди. Атҳад болалар уйида тарбияланди.

1964 йилда Қозон давлат университетининг тарих-филология куллиётини битирди ва туғилган жойига қайтиб, мактабда дарс берди. Директорлик қилди. Кейин яна Қозонга бориб, таълим-тарбияга оид «Китоб» нашриётида ишлади.

1975 йилда тақдир тақозоси, оилавий ҳаёт шароитига кўра Ўзбекистонга кўчиб келди. Ҳозир Тошкентда, татар маданияти марказининг бошлиқларидан бири.

А. Синўғил мактаб ёшидан бери шеър ёзади. Ҳозиргача унинг битта публицистик мақолалар китоби, олтита шеърий тўплами ва ўнлаб таржима асарлари чоп этилган.

Шу кунларда Ўзбекистон адабий жамоатчилиги ўқитувчи-шоирнинг 60 йиллигини нишонламоқда. Биз ҳам уни муборак ёши билан қутлаб, шеърларидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

## ЎҚИТУВЧИ ЙЎЛИ

Ўқитувчи опа одимлар мудом
Мактаб йўлидаги яшил сўқмоқдан.
Кекса-ю-ёш — ҳамма — беради салом —
Жонга яқинроқ-да, уруғ-аймоқдан.

Ўқитувчи опа қайтар ҳар куни
Мактабидан — ўшал яшил сўқмоқдан.
Она асалари сингари, уни
Ўқувчилар қуршаб борар ҳар ёқдан.

Ўқитувчи опа ғайратга тўлиб,
Мактабига қатнар таниш сўқмоқдан.
Мактаб йўли — унинг умр йўлидир,
Йўлдан тойдиролмас бўронли чоғ ҳам.

Ўқитувчи опа қўлин беради —
Саломлашиб ўтар эски сўқмоқдан.
Зулфлари тун каби сим-сиёҳ эди,
Энди сочларини еллар оқартган.

Ўқитувчи опам ҳали ҳам чаққон,
Қорлар ёғар... тивит рўмол ўраган...
Ўқитувчи опам ҳордиққа чиққан,
Аммо бекор ётмас — у кўпни кўрган.

Ўқитувчи опа ҳордиқда ҳозир,
Тўйганидан эмас, бериб дарс-сабоқ.
Ўқитувчи шундай бўлади ўзи:
Улуғ йўлга пайванд у юрган сўқмоқ.

## СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚЛАР

Ўзим ўқиган Истарлибош татар ўрта мактабига бағишлайман.

Қўнғироқлар сўнгги марта жаранглади —
Ёшлигимнинг мунгли мактаб жаранглари.
Мактаб йиллар қатда қолди, қатда қолди?
Мактаб йиллар йиғлаганча ортда қолди.

Ортда қолди шошқин шўхлик, тўполонлар,
Дарс қолдириб мажҳул ёққа чопган онлар,
Ошиқ бўлиб, яширинча оҳ уришлар,
Дарсни қилмай, уялганча тик туришлар.

Ортда қолди ҳазил-ҳузул, лапар, байтлар,
Тахталарга оқ бўр билан ёзар пайтлар,
Танаффусда чангу тўзон кўтаришлар,
Имтиҳонда қўрқа-қўрқа йўталишлар.

Соғинганда эслаш қолди энди бизга,
Синфдошлар, интиламан доим сизга...
Ширин тушдай ўтди-кетди гўзал чоғлар,
Қўнғиради сўнгги марта қўнғироқлар.

## ИККИСИ ҲАМ БИР СОН...

Қандай одам ўйлаб топган
«Икки» деган баҳони?
Тушда кўрган одамнинг ҳам
Чиқиб кетар жон-пони.

На ҳусн бор, на адолат,
Унда фақат бор гажак,
Ҳеч ким уни қилмас ҳурмат,
Ўлаксадай қоқ суяк.

«Беш» баҳонинг асрори шу:
Жалб қилади ўқувга.
Ялқовликни тизгинлар у,
Қанот берар орзуга.

«Икки» олсанг — кунинг аза,
«Беш» олган кун — байрамдир.
«Беш» олганга доим маза,
«Икки» олсанг — аламдир.

Бири семиз, соғломгина,
Бири ориқ итдан ҳам.
Аммо мундоқ ўйлагин-а:
Иккиси ҳам — сон, рақам.

**Татарчадан Миразиз АЪЗАМ таржималари.**

*Олий ўқув юртларида*

# ТАЛАБАЛАР ИМТИҲОНИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида бўлиб ўтган тадбирга «психология имтиҳони» деб баҳо қўйса бўлади.

Республика педагогика олий ўқув юртлари ва университетлари талабалари қатнашган олимпиадада толиби илмларнинг психология масалаларини ечиш, тайёрланган реферат ишлари ҳимояси, психология соҳасидаги илмий мақолаларга рецензиялар ёзиш ва психология бўйича компьютердаги тестлар синовидан билимлари синалди.

Олимпиадада тўққиз гуруҳ куч синашди. Навоийлик талабалар биринчи, жиззахликлар иккинчи ўринга сазовор бўлдилар. Тошкент вилояти педагогика институти учинчи поғонадан жой олди. Университетлардан Термиз давлат университети вакиллари ғолиб келишди.

Шахсий ҳисобда биринчиликка муносиб топилган Жиззах педагогика институти толибаси Гўзал Қодирова бир ойлик стипендия миқдорида тақдирланди. Иккинчиликни олган Гўзалнинг ҳамюрти Санобар Холбўтаевага ойлик стипендиянинг 75 фоизи миқдорида мукофот берилди. Учинчи ўринни олган Тамара Аҳмедова навоийлик тенгдошлари номидан қатнашди. Тамара бир ойлик стипендиянинг 50 фоизи миқдорида рағбатлантирилди. Ғолибларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг, олимпиада ташкилий қўмитаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректоратининг дипломлари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Эркин Хидиров (Жиззах), Меҳри Норбошева (Термиз), Усмон Умаров (Тошкент ДПИ), Комил Собиров (Хоразм) каби ўқитувчиларнинг шогирдлари ўз билимлари билан кўпчиликнинг эътиборига сазовор бўлишди.

**Ёркул АЛИМҚУЛОВ, психология фанлари номзоди, доцент.**

*Спорт*

# РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИЛАРИ III СПАРТАКИАДАСИ

Республикамиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчилардан бўлиб «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» қонун қабул қилди. Бу қонуннинг қабул қилиниши ҳукуматнинг, Президент Ислом Каримовнинг халқ саломатлиги тўғрисидаги ғамхўрлигини яққол тасдиқлайди. Куни кеча мамлакатимизда ёшлик ва саломатлик байрами нишонланди.

Республикамизнинг турли шаҳарларида бўлиб ўтаётган мактаб ўқувчиларининг III спартакиадаси мусобақалари ҳам айнан шу шодиёна кунлари бўлиб ўтмоқда. Шу кунгача айрим спорт турлари бўйича мусобақалар якунланиб, командa ва шахсий беллашув ғолиблари ҳамда совриндорлар маълум бўлди. Шу кунларда баскетбол, волейбол, енгил атлетика бўйича қизғин курашлар давом этаётир.

### ЭРКИН КУРАШ

Хива шаҳрида эркин кураш бўйича тўрт кун давом этган беллашувларда ўн бир вазн тоифасида ёш полвонлар гиламда ўз куч ва маҳоратларини намойиш этишди.

Команда ҳисобида 285 очко тўплаган Тошкент шаҳри вакиллари республика спартакиадаси чемпиони бўлишди. Иккинчи ўрин Тошкент вилояти ёш спортчиларига насиб этди. Самарқанд вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Шахсий биринчиликда 40 кг вазндаги Хоразм вилояти вакили Қудрат Абдуллаев спартакиада чемпиони бўлди. Шунингдек, вазн тоифаларига кўра П. Ромадин, Э. Тожиматов (Тошкент шаҳри), Ф. Раҳмонбердиев, А. Чемпосов, Ч. Шоймуродов (Тошкент вилояти), Ж. Муротов, О. Пардақулов (Жиззах вилояти), О. Жабборов (Бухоро вилояти), А. Абдуалиев ва Ж. Юсуповлар (Самарқанд вилояти) ҳурмат шоҳсупасидан ўрин эгалладилар.

### ОҒИР АТЛЕТИКА

Оғир атлетика бўйича мусобақалар ҳам Хивада ўтказилди. 38 килограммдан 83 килограммгача ўн бир хил вазн тоифасида 13-17 апрель кунлари бўлиб ўтган мусобақаларда Самарқанд вилояти командаси 267 очко билан спартакиада ғолиби бўлди. Самарқандликлардан 20 очко орқада қолган хоразмликлар — иккинчи, 229 очко жамғарган Тошкент шаҳри спортчилари учинчи ўринни олишди.

Шахсий биринчиликда вазн тоифаларига кўра Самарқанд вилояти вакиллари С. Раметов, О. Бозоров, Қорақалпоғистон Республикасидан А. Пердибоев, Р. Жумамуродов, Т. Горских, тошкентлик И. Гумеров, бухоролик С. Муинов, хоразмлик Қ. Матчонов, У. Маҳмудов, фарғоналик Р. Арустамов ва сирдарёлик А. Азизовлар спартакиада ғолиби бўлишди.

**Мухбиримиз.**





Тошкентдаги шаҳар болалар ижодиёти марказида саккиз кун мобайнида шахмат бўйича республика спартакиадаси мусобақалари бўлиб ўтди. Сиз кўриб турган суратларда: 1. Сариосиё туманидаги 93-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, ўқувчилар ўртасида Ўзбекистон чемпионати совриндори ва 1993 йилда ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати қатнашчиси Бегали Саидов; 2. Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари командалари учрашуви пайти.

**Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

*«Маърифат» хабарлари*

## АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧА

Яқинда Бахмал тумани халқ таълими бўлимида атоқли адиб, хассос шоир Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 90 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Халқ таълими бўлими услубиётчилари У. Шоймов, Н. Иброҳимов Ойбекнинг ўзбек адабиётида тутган ўрни, асарларининг ўзига хос томонларини таъкидлаб ўтишди.

Ўқувчилар томонидан шоир шеърларининг ўқилиши, саҳнавий кўринишлар намойиш этилиши Ойбек ижодига ҳурмат ифодаси бўлди.

**Н. ҚЎЛИЕВ.**

***

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Нарпайлик тажрибали, омилкор ўқитувчиларнинг туман кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мукаммал педагогга хос хислатлар «ярқ» этиб кўзга ташланди. 43-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Жамила Иброҳимова ана шундай қобилият эгаси экан. У ўзининг мазмунли ва таъсирли сценарийлари билан танлов ғолиблигини қўлга киритди. Фахрли иккинчи ўрин 47-мактаб тил-адабиёт ўқитувчиси Гўзалхон Болтаевага насиб этди. Учинчи ўринга 38-мактаб биология ўқитувчиси Мадраҳим Очилов эришди.

Ғолибларга туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиқлари ва бошқа мукофотлари топширилди.

***

## ТошДУ ЗУККОРОҚ ЧИҚДИ

ТошДУ ва БухДУ талабалари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» конкурсида тошкентликларнинг қўллари баландроқ келди. Ҳисоб: 216 — 208. Конкурс бетараф жойда, аниқроғи Жиззахда ўтказилди. Ярим финалда ТошДУ, ТДТУ, НукДУ, Қўқон педагогика институти Гулистон шаҳрида учрашадилар. Мухлисларга натижаларни маълум қиламиз.

**Мухбиримиз.**

# УРУШ ОРТИДАГИ ЁШЛАР

(Боши1-бетда).

келди. Қариндош-уруғлар, ошна-оғайнилар билан хайрлашиб, ҳарбий комиссариатга бордим. У ерда бир капитан 42 кишининг ҳужжатларини кўтариб чиқиб, касб-ҳунари бўлганлар Москва шаҳридан кўчириб келтирилган самолётсозлик заводида ишга жалб этилишларини маълум қилди.

Завод кадрлар бўлими бошлиғи И. И. Агапов кутиб олиб, ўз касбимиз бўйича цехларга тақсимлади. Мен билан яна 4 кишини биринчи цехга ишга юборишди. Цех бошлиғи мени 3-бригадага ишга тайинлади. Ишлар жуда оғир, одамлар икки-уч сменада ишлар эди. Тез орада станоклар ўрнатилиб, самолёт қисмлари тайёрлашга зарур нарсалар ҳозирлаб қўйилди. Асосий иш усталари москвалик ишчилар эди. Бригада бошлиғимиз Иван Кузьмич Мичеренко очиқ кўнгил, дилкаш киши эди. Бригадамизда 17 кишидан уч нафари ўзбек эди. Иш кўпайиб кетганда уч кунлаб уйга бормасдик. 1942 йилнинг ёзларида бригада иккига бўлинди. Мени 9-бригадага ишга ўтказишди. У ерда ёшлар қўмитаси котиби Сергей Воробьев эди. У бир куни менга: «Ўртоқ Ҳусанов, цехингизда ўн бешга яқин ўсмир бор. Улар анча шўх, масъулиятни яхши ҳис этмайдиган болалар. Уларнинг бошини қовуштириб, алоҳида бригада тузсангиз яхши бўларди», — деб қолди.

Кўп ўтмай 14 йигитни йиғиб, улар билан бафуржа суҳбатлашдим. Уларга яхши асбоб-ускуналар олиб бериб, дурустгина маош ҳам ёздирдим. Ўсмирларнинг хонадонларига бориб, оналари, бувилари билан суҳбатлашдим. Бора-бора улар ишга меҳр қўябошлашди. Мени эса «уста» деб ҳурматлайдиган бўлишди.

Авиация заводида 9-цехнинг ёшлар бригадаси ойлик режани 105—110 фоиз қилиб уддалаб, жамоа ҳурматини қозонди.

Завод комсомол қўмитаси котиби бир куни мени яна ҳузурига чақириб, ерлик аҳолидан ишчи кадрларни кўпайтириш вазифасини топширди. Шогирдларимдан Шавкат Расулев, Аҳрор Набихўжаев, Абдувоҳид Расуловлар билан маслаҳатлашиб, завод атрофидаги Оқмачит, Кўкмачит, Қаймоқбозор, Қашқар маҳалласида уйма-уй юриб, ишламаётган йигит-қизлар, уларнинг ота-оналари билан гаплашиб, 93 нафар ёшни йиғдик. Улардан 43 нафари қизлар эди.

Заводга янги қабул қилинган 27 болани ўз бригадамга олдим. Уларга слесарлик касбини ўргатдим. Уч ойдан сўнг ёш ишчилар разрядли бўлишди.

Уруш авжига чиққан 1943 йилнинг бошларида комсомол қўмитаси котиби билан келишиб, завод директори Михаил Ярулин ҳузурига кирдик.

— Қулоғим сизда, йигитча, — деди директор менга қараб. Мен беш ой бурун 93 йигит-қизни заводга жалб қилганим, шу кунларда улар яхши ишлаётганликларини, аммо аксариятининг аҳволи танглиги, баъзилари ҳеч кими йўқ етим-есир эканликларини тушунтирдим. Илтимосимизни диққат билан эшитгач, у уч кун ичида масала ҳал этилишини айтди.

Орадан беш кун ўтгач, ёшларга иссиқ кийим-кечак берилди. 18 ёшга тўлмаганлар бир сменали ишга ўтказилди...

Уруш йилларида заводда ишчиларнинг аксарияти ёшлардан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги хотин-қизлар эди. Бундан ташқари 3 та ҳунар-техника билим юрти заводга ишчи кадрлар тайёрлаб берарди. Ҳар қайси билим юртида 1200-1500 ўқувчи таълим оларди.

1944 йил охирлари эди. Завод директори мени ва цех бошлиғи ўринбосари С. М. Морозовни ўз ҳузурига чақириб қолди. Кирсак, 14-ФЗО директори Анатолий Хрулов ҳам шу ерда экан. Завод директори мени 14-ФЗО мактабига устоз-мураббийликка таклиф қилиб, бу ерда корхонага кўпроқ нафим тегишини айтди.

Ҳунар мактабида Хоразм вилоятидан келган ёшлар ўқишаркан. Мен ўзим ишлаган 9-цехда меҳнат практикасини ўтадиган 33-гуруҳни қабул қилдим ва улар билан яқиндан танишиб, ишни бошлаб юбордим. 1945 йилнинг бошларида — совуқ авжига чиққан пайтда армиямиз шиддатли жанглар олиб бораётган паллада завод ишчилари қатори ҳунар мактаби талабалари ҳам фидокорона меҳнат қилишиб, ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажаришга ҳиссаларини қўшишарди. Айниқса, Султон Аташев, Салай Эргашев, Онабиби Жуманазарова, Собира Аҳмедова, Қалош Раҳимбергановлар катталар учун белгиланган даражада режаларни бажарардилар.

Урушнинг оғир йилларида ҳам ёшлар келажакка умид билан яшардилар. Улар қўшиқ айтиб, рақсга тушишни, спорт билан шуғулланишни канда қилишмасди.

Орзиқиб кутилган ғалаба кунлари сира ёдимиздан чиқмайди. 9 май куни шогирдларимдан Раҳимберди Полвонов, Ортиқбой Расуловлар: «Уста, уста, уруш тугабди!», — деб қолишди. Кўчада одамларнинг қувончли қийқириқлари авжига чиқиб, ҳамма бир-бирини бағрига босиб қутларди.

Мана, уруш тугаганига ҳам 50 йил бўлди. Ўша оғир йилларда душман устидан ғалаба қозониш учун ишонч ва эътиқод билан меҳнат қилган ёшлар орасидан қанча-дан-қанча йигит-қизлар бугунги кунда меҳнат фахрийларидир.

Буюк Ғалаба куни умумхалқ байрами сифатида халқимиз учун азиздир. Шунинг учун байрамга етиб келганлигимизга шукроналар айтсак арзийди.

**Суҳбатдош Ғафур МАННОПОВ.**

# МАЪНАВИЯТ — КЕЛАЖАК ЗАМИНИ

*Табиатнинг азалий қонуни шул: дарахтни кимдир экиб, кимдир кесиб кетади. Бу икки тоифа ўртасидаги мутаносиблик табиатни мувозанатда тутиб тургувчи бир мезон. Экологик муаммоларнинг кўпайиши инсониятнинг иккинчи тоифа томон оға бошлаганидан далолатдир. Оқибатда... «Экологик муаммоларни ҳал қилмай туриб маънавиятга эришиб бўлмайди, маънавиятга эришмай туриб келажак пойдеворини тиклай олмаймиз», — дейди Саидакбар ака.*

*Дарвоқе, Саидакбар Боқиев Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида жойлашган давлат педагогика институтида домлалик қилиш билан бирга, жамоатчилик асосида иш юритувчи «Эколаборатория»ни бошқарадилар. Гарчи, гапни табиатдан, экологик муаммолардан бошлаган бўлсак-да, бу куюнчак инсон билан қилган суҳбатимиз том маънода маънавият ҳақида бўлди.*

— Саидакбар ака, «Эколаборатория»ни қачон ва қандай мақсадлар билан тузгансизлар?

— Экологик лабораториямиз 1993 йил 25 декабрда олийгоҳ ректоратининг тавсиясига кўра табииёт ва география факультети қошида ташкил топган. Мақсадимиз Ангрен шаҳри ва Оҳангарон воҳасининг ниҳоятда ташвишли экологик ҳолатини енгиллатишга оз бўлса-да ҳисса қўшишдир. Ҳар хил тажрибалар ўтказиш йўли билан боғча тарбияланувчиларини, ўқувчиларни экология йўналишида тарбиялаш, билим бериш ҳам бизнинг вазифамиз қилиб белгиланган.

— Бу йўлда қандай амалий қадамлар қўйилди?

— Ўтган вақт мобайнида Ангрен шаҳридаги 25-боғчада ҳамда 28-ўрта мактабда «Эколаборатория» гуруҳлари очишга муваффақ бўлдик. Ўқувчиларга дарс сифатида ўтиш учун 50 соатга мўлжалланган дастуримизни тайёрладик, воҳанинг экологик харитасини турли кўринишларда ишлаб чиқдик. Булар «Оҳангарон воҳасининг экологик тупроқ харитаси», «Оҳангарон воҳасининг экологик сув харитаси» сингари 6-7 кўринишда тузилди. Ҳозир уларни кўпайтириб, билим масканларига тарқатиш чора-тадбирларини қидираяпмиз.

Биз ўтган вақт мобайнида янада кўламлироқ ишлар қилишимиз мумкин эди. Бироқ маблағимиз йўқлиги бунга тўсқинлик қилди. Яхши ниятлар билан режалаштирилган анжуманларимизни ҳам ўтказолмадик. Моддий ёрдам сўраб бир қанча халқаро жамғармаларга, кўпгина ташкилотларга қилган мурожаатларимиздан наф чиқмади. Воҳамиздаги бир нечта заводлар раҳбариятига учрашиб, ишчиларнинг ижтимоий-экологик онгини кўтарувчи курслар очиб беришса, текинга бўлса ҳам курсларда дарс ўтишимиз мумкинлигини айтдим. Завод маъмурларининг табиатга нисбатан совуққонлилиги боис бу режамиз амалга ошмади.

— Бугунги кунда аҳолининг экологик онги қай даражада деб ўйлайсиз?

— Ҳали анча ёввойи ижтимоий-экологик онгтагина эгамиз, холос. Биласизми бу нимадан? Экология тушунчасининг маънавиятдан узилиб қолаётганлигидан. Аслида бу иккала тушунча эгизак. Эндиликда қўлланилаётган экологик муаммоларни ҳал қилишнинг баъзи йўллари эса маънавиятни сиқиб чиқармоқда. Бунинг натижасида инсон хотирасининг сусайиши, қалб дунёсининг торайиб бориши сезилмоқда.

Болалигимизда дуч келган ариққа энгашиб, қўрқмай сув ичиб кетаверардик. Сувни эъзозлаш, уни ифлос қилмаслик маънавиятимизда бор эди. Маънавиятимиз сусая борган сари болалар энгашиб чанқоғини қондирадиган ариқлар тобора кам қолмоқда. Оқибатда ҳар бир маънавий бўшлиқ ўрнини бирор экологик муаммо тўлдириб турибди. Демоқчиманки, ижтимоий-экологик онгни яратмоқчи эканмиз, даставвал келажак замини ҳисобланмиш маънавиятимизни, кўҳна миллий қадриятларимизни тиклашимиз, юксакларга кўтаришимиз даркор бўлади. Бугунги турмушимизда уч ўлчовли «Табиат+Аҳоли+Хўжалик» формуласи жорий қилинган. «Эколаборатория»миз мазкур формулага тўртинчи ўлчамни ҳам қўшиб ўрганиш фикрини илгари суради. Тўртинчи ўлчам — Коинотдир. Табиатдан аввал албатта Коинот ҳақида қайғуриш лозим. Чунки Табиат Коинотнинг бир бўлаги, парчаси, холос. Коинот ҳақидаги тасаввур тушунчамизни ҳам, кўнглимизни ҳам кенг қилади.

— «Эколаборатория»нинг эртанги фаолияти, режалари хусусида нима дейсиз?

— Биз ҳар бир инсон дунёга келар экан, унга даставвал тарбия, сўнгра шу тарбия асосида таълим беришни ёқлаймиз. Экологик муаммоларни бартараф қилиш чора-тадбирларини излаймиз. Маънавиятимизни тиклаш йўлида ҳаракат қиламиз. Аҳолининг ижтимоий-экологик онгини юксалтириш учун кенг тарғиботлар ва тушунтиришлар олиб борамиз.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда нафақат 2000 чи йил, балким 3000 чи йил учун ҳам тайёргарлик кўриш, замин ҳозирлаш йўлида ҳаракатлар бошланган. Насиб қилса, келажак авлодларимизга соғлом муҳит қолдириш учун биздан нимаики жоиз бўлса, бажаришга ҳаракат қиламиз.

**Икром ИСКАНДАР, «Маърифат»нинг махсус мухбири.**


**А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1995 йил май ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.**

1. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари — ўзбек гуруҳи — 1-27 май.
2. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари (сиртқи курс, 1995 йил январь ойи давоми) — ўзбек гуруҳи — 1-27 май.
3. Туман (шаҳар) ХТБ жисмоний тарбия методистлари — ўзбек гуруҳи — 1-27 май.
4. Тожик мактабларидаги ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-13 май.
5. Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари — ўзбек гуруҳи — 1-27 май.
6. Ўзбек тилини чуқур ўрганадиган мактабларнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-27 май.
7. Мактаб-интернат ва болалар уйлари бошланғич синф ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-27 май.
8. Кимё фани ўқитувчилари учун маърузачилар гуруҳи — ўзбек гуруҳи — 15-27 май.
9. Жуғрофия ўқитувчилари учун мақсадли курс — ўзбек гуруҳи — 1-13 май.
10. Биология дарсидан ўқувчиларга экологик тарбия бериш (Сирдарё) — ўзбек гуруҳи — 1-13 май.
11. Жисмоний тарбия ўқитувчилари учун мақсадли курс — ўзбек гуруҳи — 1-13 май.
12. Тарих ўқитувчилари учун мақсадли курс — ўзбек гуруҳи — 15-27 май.
13. Тарих фанидан муаммоли курс (Хоразм) — ўзбек гуруҳи — 1-6 май.
14. Тарих фанидан муаммоли курс (Хоразм) — ўзбек гуруҳи — 8-13 май.
15. Олий ва 1-тоифали информатика ўқитувчилари — рус гуруҳи — 15-27 май.
16. Олий ва 1-тоифали жисмоний тарбия ўқитувчилари (рус) — рус гуруҳи — 1-27 май.
17. Кўр ва заиф кўрувчи болалар ва мактаб-интернатларининг бошланғич синф ўқитувчилари ва тарбиячилари — ўзбек гуруҳи — 1-27 май.
18. Куни узайтирилган гуруҳларнинг тарбиячилари — ўзбек гуруҳи — 1-13 май.
19. Олий ва 1-тоифали расм ва чизмачилик ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 15-27 май.
20. Олий ва 1-тоифали меҳнат ўқитувчилари (миллий ҳунармандчилик) (Бухоро) — ўзбек гуруҳи — 1-13 май.
21. Олий ва 1-тоифали мусиқа ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1-27 май.
22. Соғлом авлодни шакллантиришнинг психологик асослари (Сирдарё) — ўзбек гуруҳи — 1-6 май.
23. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари (сиртқи, 1994 йил давоми) — ўзбек гуруҳи — 1-27 май.
24. Чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбарлари — рус гуруҳи — 15-27 май.
25. Болалар туризми бўйича инструкторлар (Шаҳрисабз) — ўзбек гуруҳи — 1-6 май.
26. Инглиз тили ўқитувчилари учун мақсадли курс (Сирдарё) — аралаш гуруҳ — 22-27 май.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

24 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 2-4 майгача қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси 6-уй. Студентлар шаҳарчаси. Телефон: 46-06-62, 46-06-67.

**Республика мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсида 1995 йил 1-27 май кунларида навбатдаги курслар ишлай бошлайди.**

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

1. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари, мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари — 1.05-27.05. 1995 йил.
2. Мактабгача тарбия муассасаларининг ҳамширалари. Қисқа муддатли курс — 1.05-18.05. 1995 йил.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 2-4 майгача қабул қилинадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси. Телефон: 46-98-04; 46-06-62.


ТошДУ докторант ва аспирантлари Қарши давлат университети табииёт-география факультети ўқитувчиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Фахриддин ҲАҚҚУЛОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва ёру биродарларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси, Боёвут тумани халқ таълими бўлими, Ҳ. Абдуллаев номидаги 4-ўрта мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчиси

Бўрибой КАМОЛОВ

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.


**«МАЪРИФАТ»**

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар Туйманова, Шарофат Норкулова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0162. 34166 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6